БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 17 апрель Сешанба

№ 73 (13.509). Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

ВЛКСМ XXI съездининг 12 апрелдаги кечки ялпи мажлисида музокараларда Украина ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Матвиенко, ВЛКСМ Курск вилоят қўмитасининг биринчи котиби В. Кичигин, Бутуниттифоқ кашшофлар Марказий кенгашининг раиси (ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби) И. Никитин, ВЛКСМдан СССР халқ депутати А. Баленко, ВЛКСМ Свердловск шаҳар Киров ноҳия қўмитасининг котиби В. Суставов, Арманистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Г. Акопян, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси, комсомол ташкилотлари Умумармия кенгашининг раиси А. Решетников, Гродно шаҳридаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Федута, Туркманистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Г. Гелдиева, Қораденгиз флоти комсомол иши бўйича Сиёсий бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси С. Горбачев, КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий Бюроси аъзоси, КПСС Марказий Қўмитаси котиби Е. К. Лигачев ваъз қилдилар.

Съезд СССР Олий Кенгашида «Давлат, ижара, ширкат, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларига солинадиган солиқлар тўғрисида» Қонун лойиҳасини кўриб чиқиши муносабати билан резолюция қабул қилди.

ВЛКСМ XXI съездининг 13 апрелдаги эрталабки мажлисида муҳокама давом этди. Музокараларда Қирғизистон Давлат дорилфунуни комсомол қўмитасининг котиби А. Чукин, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби С. Смирнов, Украина ЛКЁИ Ворошиловград вилояти Свердлов шаҳар қўмитасининг биринчи котиби К. Литвинов, Озарбайжон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби С. Алегперов, инженер қўшинлари Калининград олий инженерлик билим юртининг курсанти Е. Келпш, Тожикистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Ёқубов, Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши ва БАМ зонасини ўзлаштириш ВЛКСМ Марказий Қўмитаси штабининг бошлиғи Г. Шахназарян, Латвия ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Я. Урбанович, Фанлараро илмий марказнинг Новосибирск филиалининг катта инженери А. Фомин, Қирғизистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Т. Табилдиев, Сахалин бирлашган авиаотряд учувчиси В. Гулухов, Литва ЛКЁИ жумҳурият марказининг котиби В. Овдиенко, Ҳарбий-Денгиз Флоти Сиёсий бошқармаси комсомол ишлари бўлимининг катта йўриқчиси А. Батурин, Молдавия ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Д. Брагиш, Москва Давлат дорилфунунининг аспиранти Ю. Баусов, Ўзбекистон ЛКЁИ Самарқанд шаҳар Темирйўл ноҳия қўмитасининг биринчи котиби А. Аҳроров, Львов шаҳридаги «Карат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженер-конструктори С. Стратонов, «Ласковий май» студиясининг раҳбари А. Разин, ВЛКСМ Чечен-Ингушия вилоят қўмитасининг биринчи котиби Х. Бугаев ваъз қилдилар.

* * *

ВЛКСМ XXI съездининг 13 апрелдаги кечки мажлисида: ҳарбий қисм ВЛКСМ қўмитасининг котиби А. Немчанинов, Москва Давлат дорилфунуни ядро физикаси илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими М. Сотников, Грузия ЛКЁИ Тбилиси шаҳри Оржоникидзе ноҳия қўмитасининг биринчи котиби М. Цхварадзе, ВЛКСМ Карелия вилоят қўмитасининг биринчи котиби С. Понамарев, Эстония ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. Гогулан, ВЛКСМ Йошкар-Ола шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Ю. Андрианов, Тува АССР Тес-Хем ноҳия ҳарбий комиссариати ҳарбий комиссарининг ўринбосари Л. Карас-Оол, «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳаррири В. Фронин ваъз қилдилар.

ВЛКСМ XXI съездининг 14 апрелдаги эрталабки ялпи мажлисида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Мироненко ва ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссия раиси Н. Кликовлар якунловчи ваъз қилдилар.

Съезд ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссияси ва ВЛКСМдан СССР халқ депутатлари гуруҳининг ҳисоботлари юзасидан резолюциялар қабул қилди.

Шундан кейин съезд делегатлари мунозара марказларида ва делегатлар клубларида ишни давом эттирдилар.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котиби А. НОСИРОВ нутқи

Делегат ўртоқлар! Ўзбекистон делегацияси номидан айтаманки, биз бу ерга ўтмишимизни ўчириб ташлаш, комсомолни тугатиш, ўз ғоявий-сиёсий кучсизлигимизни тан олиш учун йиғилганимиз йўқ. Буни шунинг учун айтаманки, ҳозирнинг ўзидаёқ кимлардир гўё съезд барибир ҳеч нарсани ҳал қилмайди, дегандай «қўл силтаётганлари» сезилмоқда. Бошқа бировлар эса, аксинча, жанговар дадиллик билан комсомол тарихига «якун ясаш»ни бошладилар. Съездимиз ВЛКСМни янгилаш учун етарли интеллектуал ва маънавий имкониятга эга эканлигига ишончим комил. Биз уни ҳаётга тадбиқ қилишимиз лозим.

Фақат бир нарса: иттифоқнинг ҳаракатномавий ҳужжатлари лойиҳаларининг муаллифлари «коммунистик», «ленинчи» сўзларидан оловдан қўрққандай қўрқишгани ташвишлантиради. Мафкуравий ҳаракат дастури жуда саёз. Декларация ва ҳаракатномавий мақсадлар лойиҳаларидаги дадилликни тан олган ҳолда уларни ишлаб чиққанларнинг дипломатик йўл тутганларини таъкидлаш керак. Ташкилотимизни демократик социализм учун Федерацияси деб белгилаб, аслида улар Коммунистик ёшлар уюшмасини аста-секин тугатишни таклиф қилаётирлар.

Сўрашга ижозат бергайсиз: нима, ВЛКСМ социалистик танлаш тарафдори эмасми, ёки ёрлиқни ўзгартириб қўйиш Аловуддиннинг сеҳрли чироғи ролини ўйнайдими? Бундайин мафкуравий тўнтариш ўзини қанчалик оқларкин, ахир съездга тақдим этилган Устав лойиҳаси комсомолни мустаҳкамлашни ёқлаб чиқмадими? Синфий ёндашувдан воз кечишга ҳали эртамасмикин? Бирорта ҳам ҳужжат, жумладан, жумҳурият комсомоли таклиф этган ва Ўрта Осиё жумҳуриятлари делегатларининг музофот кенгаши тасдиқлаган ВЛКСМ ҳаракатномаси варианти делегатларга тақдим этилган ҳужжатларда ҳисобга олинмагани бизга тушунарли эмас. Бу 300 га яқин делегат фикри эди. Жумҳуриятимиз ёшлари ўртасида ижтимоий ривожланиш, қашшоқлик, ишсизликка барҳам беришга бўлган интилиш кучли. Бундай шароитда коммунистик маънавий қадриятларни кўнгилли равишда қабул қилиб олиш, ёрдам беришга тайёрлик, ниманидир баҳам кўриш, ҳаттоки бошқалар учун ўзини чеклаш имконияти мавжуд. Агар биз марксча-ленинча ғоялар асосида бу миллий эзгу умидларни мустаҳкамлашга ёрдам бермас эканмиз бунинг сиёсий оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлади.

Биз бир ҳақиқатни англаб етишимиз керак: турли жумҳуриятлар ёшлар иттифоқлари ўзига хослиги сабаб сиёсий ҳаракатнинг турли босқичларида турибдилар ва ҳатлаб ўтиш, олдинга сакраш тарихимиз мисолида биламизки, кўп ёмон оқибатларга олиб келади. Мана нима сабабдан миллий ғурур ва маданиятни социалистик тиклаш, экологик ва маънавий фожиадан сақланиш биз учун биринчи навбатдаги вазифа бўлиб турибди.

РСФСР ёки Украинадаги йирик саноат шаҳарлари, илмий ва талабалар марказларидаги ёшларнинг маънавий тажрибаси, руҳияти Ўрта Осиё жумҳуриятлари шаҳар, посёлкаларидаги ёшларникидан кескин фарқ қилади. Бироқ, тенглик ғояси ҳаммани бирдек ўзига тортади. Қарашлар ва митингларни экспорт қилиш, КПСС билан қарама қарши туриш исталганига нисбатан аксинча натижа бериши мумкин. Аниқ мафкуравий рақобатчиларга эга бўлган музофотларимиздаги ёшлар иттифоқлари омманинг сиёсий етуклигини баҳолашга реал ёндашиб, реал вазиятдан келиб чиқмоқлари лозим. Шу сабабдан биз ВЛКСМнинг федератив тузилмасини, унинг ғоявий бирлигини сақлашни ёқлаймиз. Иттифоқдош жумҳуриятлар комсомол ташкилотларига ўз ҳаракатномавий мақсадларига эга бўлишни таклиф қилиш демократик иш бўлар эди. Токи фақат бир қисм етакчилар эмас, балки ВЛКСМ доирасида турли хил ёндашувлар юзага келсин ва ўзини кўрсатсин. Уларнинг асосий масалалар бўйича яқинлигига ишончим комил. Бу 2-3 йил ичида ВЛКСМнинг ғоявий ва ижтимоий-сиёсий ҳаракат дастурини қуйидан шакллантириш имконини берган бўлур эди. Акс ҳолда инқилоб яна юқоридан амалга оширилади.

Ўз навбатида Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидаги ўртоқларимизга ўзаро таъсир кўрсатиш тажрибасини ривожлантириш мақсадида ёшлар муаммолари умумий институти билан мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисида ўзаро қарорлар қабул қилишни таклиф этамиз. Бунинг ҳаммаси ягона ВЛКСМ доирасида бўлади.

Ҳозир ўсмирларча ҳар нарсани инкор этиш 20 ёшдан тортиб 50 ёшгача бўлганларни фожиавий инқилобий ўтмишимиз, Ленин ҳаёти ва ғояларини қоралаш истагида бирлаштирмоқда. В. И. Лениннинг 120 йиллигига ҳурматли рўзномамиз «Комсомольская правда» ва бошқа нуфузли нашрлар қандай муносабатда бўлишларини хавотир билан кутаётганимни яширмайман. Шубҳасиз, фирқа ва Шўро давлати асосчисининг номини сохта пардоздан тозалаш зарур. Бироқ комсомол Ленин комсомоли бўлиб қолиши керак.

Ҳа, ёшлар кутишдан чарчашди. Ёшлар давлат сиёсатининг зарурийтини асослаш ва уни мавжуд бўлиши учун кўп иш қилингандек. Шунга қарамай ВЛКСМ катта ҳисоб билан ўзининг яхлит ёшлар сиёсатига эга эмас. Ҳаттоки, «ЁУЖК», «ЁФТИ», «Ёшларнинг меҳнат бирлашмалари» сингари тажриба тариқасидаги ижтимоий ҳаракатномалар ҳам жуда чекланган ижтимоий қатламга натижа бермоқда.

Сиёсий руҳ бағишлаш ҳақида фикр юритиб, биз амалда сиёсий нуфузимизни йўқотаяпмиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, СССР Олий Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича қўмитаси кўп жиҳатдан ВЛКСМ ташаббуси билан тузилган. Эндиликда у ўз позициясига эга бўлган ҳолда давлат сиёсатига таъсир кўрсатмоқчи бўлаяпти, коссомолчи? Бизнинг халқ депутатларимиз бирлашиб, мақсад сари интилаётганлари сезилмаяпти. Ҳозир кескин бўлиб турган кислик муаммосини олайлик. Комсомолдан СССР халқ депутатлари яна 4 йил ишлашларини назарда тутган ҳолда таклиф киритаман: съезд 13 беш йилликда ВЛКСМ ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича делегатларимиздан Комиссия тузишда уларнинг ваколатини тасдиқласин.

Агар комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида реал обрўга эга бўлар экан у билан сиёсий куч сифатида ҳисоблашадилар. Ҳозирча эса ВЛКСМ жумҳурият ва маҳаллий даражадаги халқ депутатлари сайловларида ютқазди. Марказий Қўмита Бюросининг аъзоси сифатида мен бўлиб ўтган сайлов мавсумларида комсомол йўл қўйган сиёсий хатолар учун ўзимнинг ҳам масъуллигимни англаб турибман. Бу даврда фирқа ва комсомолнинг сиёсий ҳамжиҳатлиги етарли даражада таъминланмади. КПСС Марказий Қўмитаси сайловларда сиёсий жиҳатдан комсомолнинг қўллаб-қувватлаш позициясини маҳаллий фирқа органларига етарлича аниқ тушунтира олмаган кўринади. ВЛКСМ МҚ эса бу масалани умуман ёддан чиқариб қўйди. Биз, комсомолда ишлаётган коммунистлар фирқанинг келажакдаги съезд ва конференцияларида ёшлар манфаатлари қандай ҳимоя қилиниши ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз лозим.

КПСС МҚ Ҳаракат дастурида ВЛКСМ билан ўртоқларча ҳамкорлик қилиш, фирқа сиёсий йўлини ишлаб чиқишга комсомолни жалб қилишга тайёрлик баён этилганини назарда тутиб, съездимиз КПСС XXVIII съезди номига махсус хат қабул қилишини таклиф этаман. Бундай ҳужжатда ВЛКСМ билан ҳамкорлик тўғрисидаги фирқа съезди резолюцияси учун ғоялар ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин.

Сўзимни туғаллаб таъкидлайман: комсомолдаги ғоявий қайта қуриш сиёсий руҳ бериш, Иттифоқ ичидаги ташаббусни тутқунликдан халос этиш орқали фаол новаторлик, ёшларнинг ва ҳар бир шахснинг ривожланиши учун шароит яратувчи ташкилот сари олға юришида намоён бўлиши керак. Эътиборингиз учун ташаккур.

«РОССИЯ» МЕҲМОНХОНАСИДАГИ ТАШВИШЛИ КУНЛАР

Москва (махсус мухбирларимиз Ж. РАЗЗОҚОВ ва Ҳ. АКБАРОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Бутуниттифоқ комсомолларнинг анжуманида барчани ташвишга солаётган сиёсий воқеалар, муаммоларга алоҳида эътибор берилмоқда. Турли хил мурожаатномалар, баёнотномалар ва қарорларнинг лойиҳалари делегатларга тарқатилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар ҳам делегатлар ичида тобора фаоллашиб бормоқдалар. Жумҳуриятимизнинг навқирон авлоди вакиллари ўзлари тайёрлаган ВЛКСМнинг ҳаракатномасини делегатлар муҳокамасига топширдилар. Тошкент вилоятининг бир гуруҳ делегатлари Паркентдаги воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, мурожаатнома билан чиқдилар.

Жумҳуриятимиз делегатлари Орол муаммосини биргаликда ҳал этиш, Оролбўйи ёшлари, болаларга амалий ёрдам бериш бўйича съезднинг алоҳида қарорини қабул қилишга даъват этдилар. Шу муносабат билан мухтор жумҳурият Ленин комсомоли мукофоти лауреати, мусаввир Иброҳим Жолимбетовнинг «Орол ҳаммамизнинг дардимиз» мазмунидаги кўргазмасини делегатлар эътиборига ҳавола этдилар.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ёшлар иттифоқи сон жиҳатдан камайган бўлса ҳам, аппарат ходимларининг сони камайгани йўқ. Агар 1977 йилда 32 миллион ВЛКСМ аъзосига 67 минг нафар бошқа ишлардан озод қилинган комсомол ходими тўғри келган бўлса, мазкур 1990 йилда 31 миллион комсомол аъзосига 105 минг аппарат ходими тўғри келмоқда. Бу кўпайиш балки комсомол фаолиятини кучайтириш, унинг мавқеини тиклаш учун қилинган бўлса бордир. Лекин амалда бунинг таъсири кам сезилади.

Съездда яна бир янгилик ўртага ташланди: «Комсомольская правда» ВЛКСМнинг ижтимоий-сиёсий рўзномаси бўлиши керакми ёки эскича ёндашув давом этаверадими? Рўзнома бош муҳарририни пленумда тасдиқлашдан воз кечиб, съездда сайлаш зарур деган таклиф киритилди. Ва бу таклиф делегатлар томонидан маъқулланди. Аммо «Оммавий ахборот воситалари» мунозара марказида бу масала юзасидан жиддий баҳслар бўлди. Мунозарада бир неча бор КПСС Марказий Қўмитаси котиби, «Правда» рўзномаси бош муҳаррири И. Т. Фролов сўзга чиқди. Асосан ёшлар нашрлари муҳаррирлари ва ходимларидан ташкил топган мунозара маркази қатнашчилари делегатларга мактуб билан мурожаат қилдилар ва ёшларнинг оммавий-ахборот воситалари бўйича қарор лойиҳасини тасдиқладилар. Марказ иштирокчилари муҳаррирни муҳокама қилишда рўзнома ижодкорлари фикрини алоҳида эътиборга олишни, масалага бир ёқлама ёндашмасликни, ҳиссиётга берилиб, шошма-шошарлик билан қабул қилинган қарор бир неча йил давомида шаклланган ва кўтарилиш даврида турган бутун бир рўзнома жамоаси мақсадларини йўққа чиқариб юборишини алоҳида таъкидладилар.



Делегатлар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Сураткаш: Е. БОТИРОВ.

Мунозара марказида ҳар бир рўзнома хориждаги сингари магнат ёки концернлардек бирлашмаларга эга бўлишини айтиб ўтишди. Бу бирлашмаларнинг ўз нашриёти, рўзномалари, телевизион ва радиоэшиттириш студиялари бўлиши керак. Ана шундагина ҳар бир етакчи рўзнома ҳақиқий мафкура марказига эга бўлиши мумкин.

Съездга жами 2006 делегат келган. Лекин анжуманда уларнинг ҳаммаси ҳам иштирок этишмаяпти. Масалан, 11 апрель куни эрталабки мажлисда 1928, кечқурунгисида 1853, 12 апрель куни эрталаб 1679, кечқурунгисида 1642, 13 апрель куни эрталаб, 1507, кечқурун 1503 нафар делегат иштирок этди. Нега бундай? Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир делегат ўрта ҳисобда 25-30 минг ёшлар ичидан сайланган. Аслида бу жуда катта масъулият. Анжуманга келганларнинг ҳаммаси ҳам ўзини сайлаган ёшларнинг ишончини оқлаб, комсомол тақдирига бирон улуш қўша оладиган ва ниҳоят анжумандан сўнг жойларга қайтиб бирон бир муаммони ҳал эта оладиган, бирон бир ишни қойиллатадиган эмас.

Юқорида айтилганлар жумҳуриятимиз делегатлари учун ҳам тааллуқли. Лекин умуман олганда ўзбекистонлик ёшлар съезд ишида ёмон иштирок этишмаяпти. Улар съезд иши билан узвий боғлиқ ўйлаб мунозара марказларида, секцияларда фаол қатнашмоқдалар. Бундан ташқари жумҳуриятимиз ёшларининг хоҳишларига кўра турли идоралар ва вазирликлар раҳбарлари билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда. Кўп муаммолар ва жумбоқларнинг сабабларини ўрганишга, уларни бартараф этишга уринилмоқда.

Масалан, 13 апрель куни Фарғона вилоятидан келган бир гуруҳ делегатлар вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Адҳамжон Арзиматов бошчилигида СССР мудофаа вазири В. Т. Язов қабулида бўлдилар. Учрашув бир неча соат давом этди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда ўз ишини тамомлаган биринчи сессиясида Совет Армиясига аскарликка олинган, қурилиш батальонларига юборилаётган йигитларимизни жумҳуриятимиз, нари борса, Ўрта Осиё ҳудудида қолдириш масаласи ўртага ташланганди. Вазир билан учрашувда бу таклиф унга етказилди.

Кейинги пайтларда, айниқса Фарғона фожиаларидан сўнг, уйидан соғ-саломат аскарликка кетиб, темир тобут ичида қайтиб келаётган ўзбек йигитларининг тақдири ҳар бир ўзбек хонадони учун мудҳиш ташвиш туғдирмоқда. Хўш, бундай бевақт ўлимларнинг сабаби нимада? Фарғоналик ёшлар вазирга ана шундай саволлар билан мурожаат қилишди. У тўлақонли бўлмаса-да, мисоллар билан жавоб қайтарди. Анча кескин бошланган мулоқот аста-секин мўътадиллашиб, илиқ тус ола бошлади. Учрашув қатнашчиси, фарғоналик собиқ «афғон» йигит махсус даволаниш учун шу ердаги ҳарбий шифохонага йўлланма олди. Учрашув сўнггида вазир ёшларга эсдалик совғалари топширди. Улар билан эсдалик учун суратга тушди.

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегати

МУСТАҚИЛЛИК — МАСЪУЛИЯТ ДЕГАНИ

Раҳимжон СОЛИҲОВ 1965 йили Тошкент ноҳияси, Келес шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Октябрь номидаги 11-ўрта мактабни тугатгач, ноҳиядаги 1-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннада қурувчи бўлиб ишлай бошлади. 1983 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг иқтисоди. факультетига қабул қилинди. Институтни муваффақиятли тугатгач, йўлланма билан Охунбобоев номли колхозга техник бухгалтер бўлиб ишга келди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас хўжалик комсомоллари уни комсомол қўмитаси котиблигига сайлашди.

Тошкент вилоят комсомол конференцияси қатнашчилари Раҳимжонга катта ишонч билдиришди. У БЛКЕИ XXI съездига делегат этиб сайланди.

Ҳозир Раҳимжон Москвада, анжуман ишида қатнашмоқда. Жамоатчи мухбиримиз Н. АБДУҚОСИМОВА у билан сафар олдидан учрашиб, мулоқотда бўлди.

— Мен комсомол сафига 1979 йили кирганман, — дейди Раҳимжон. — Қарийб ўн йилдирки, ҳаётим у билан боғлиқ. Мактабда ҳам, институтда ҳам комсомол етакчиси эдим. Балки шунинг учундир, мен ҳамиша ёшлар билан биргаман.

Биз — комсомол раҳбарларининг шу вақтгача бўлган лоқайдлиги кўпгина салбий ҳолатларга йўл очди. Буни яқинда ўтказилган Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловлар натижасидан ҳам билиш мумкин. Депутатликка номзодлар кўрсатишда комсомол орқада қолиб кетди. Вилоят ҳамда ноҳия Кенгашлари депутатлигига кўрсатилган саноқли номзодлар ҳам сайловда яхши натижаларга эриша олишмади. Ёшларга ишонч йўқолганлигини шу ердан ҳам билиш мумкин.

Сир эмаски, кейинги вақтларда комсомол фирқанинг хизматкорига айланиб қолди. Фирқанинг буйруғисиз бирор иш қила олмаслиги ҳам унинг обрўйини тушириб юборди. Бу билан мен ёшлар ташкилоти фирқадан ажралиб чиқса, ўз обрўсини тиклаши мумкин демоқчи эмасман. Аммо у, шубҳасиз, маълум даражада мустақилликка, эркинликка эга бўлиши керак. Комсомолга қисман бўлса-да, қонуний ҳуқуқлар белгилаб берилиши зарур. Ёшларга амалий ёрдам бера олган, муаммоларининг ҳал бўлишида маълум ўрин эгаллаган ташкилотгина уларни ўзига жалб эта олади.

Шу ерда мен яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, ҳозиргача комсомолга аъзолик бадалларининг ақалли бирон қисми бошланғич ташкилотда қолмайди. Ана шу маблағ ташкилотнинг ўзида қолса, давлат деҳқончилик саноат банкларида ҳисоби очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда ўша хўжалик ёки ташкилотда ёшлар марказини очиш, турли ташкилий масалаларни илгари суриш, ишлаб чиқариш илғорларини моддий рағбатлантириб туриш имкони бўларди.

Кўпинча минбарлардан «ёшлар ишламаяпти» деган сўзлар айтилиб турилади. Йўқ, бу нотўғри. Ёшларимиз меҳнатга чанқоқ, улар ишлаяпти. Биз эса уларни вақтида тақдирлай олмаяпмиз. Куни кеча Ўрта Осиёдан Иттифоқ комсомолларининг XXI съездига сайланган делегатларнинг музофот йиғилишида ҳам бу масала илгари сурилди. Унинг қанчалик ҳал бўлишини эса анжуман кўрсатади.

Ҳозир биз муҳокама қилаётган ВЛКСМ Устави ва Ҳаракатномасининг янги лойиҳалари делегатларнинг таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан мустаҳкамланади, деган умиддаман. Менимча, янги Уставда ВЛКСМ ўз ишини фирқа билан биргаликда, унинг ғоялари асосида мустақил иш олиб боради, дейилган бандига «СССР Олий Кенгаши» билан сўзлари ҳам қўшиб қўйилиши керак. Чунки СССР миқёсида асосий қонунларни чиқарувчи орган — Олий Кенгаш.

Комсомол сафига ҳам 14 эмас, 16 ёшдан қабул қилинишини истардим. Чунки бу вақтга келиб ҳар бир ўқувчи мустақил фикрлай бошлайди. Ташкилотга нима учун кираяпти, унинг вазифалари нималардан иборат эканлигини тушунади. Бунда комсомол сафларини «сифатсиз»лар ҳисобига ошиб боришига ҳам чек қўйиларди.

Ноҳия, вилоят комсомол ташкилотларининг биринчи котиблари КПСС аъзоси бўлиши лозим деган эслатманинг кераги йўқ. Чунки фирқасиз бўлган кўплаб қобилиятли, комсомол иши учун қайғурадиган ёшлар бор. Агар менга съезд минбарида сўзлаш насиб этса, шулар ҳақида гапиришни мақсад қилиб қўйганман.

Маълумки, ноҳиямиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Шунинг учун ҳам мен у ерда қишлоқ хўжалигидаги муаммолар, умуман, жумҳурият меҳнат аҳлини қийнаётган масалаларга жавоб топишни истардим. Чунки бу саволлар барча ўзбекларни қизиқтириши табиий. Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиб олиш нархи кўтарилмади-ю, лекин техника ва ёқилғи баҳоси ошиб кетди. Пилла нархини ошириш нима учун кечиктирилаяпти? Оролбўйи халқларига ёрдам бериш нима учун сусайтириб юборилди? Мен съезддан ташқари мамлакат раҳбарлари билан бўлган учрашувларда ана шу саволларга жавоб топишни истардим.

Съездда ўзгаришлар бўлишига ишонаман. Бунга делегатлар билан бўлаётган учрашувларда уларнинг дадилликлари, фикр-мулоҳазаларини ошкора билдираётганликлари ҳам далолат бераяпти.

Лекин Устав ёки Ҳаракатноманинг ўзгариши билан иш битмайди. Бунинг учун юқорида айтиб ўтганимдек, ҳар бир комсомол етакчиси, ёшлар ташкилоти аъзолари интилиши лозим. Улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олишлари керак.



Саховатли қалб соҳибларини ҳамиша элимиз ардоқлаб келган. Чунки, улар, доимо эзгу ишлар илинжида эл-юрт ободлиги деб қайғуришади. Ана шундай инсонлардан бири пайариқлик Баҳром ота Самадовдир.

Отахон яқинда ўз шахсий жамғармасидан юз минг сўм ажратиб, кутубхона ва амбулатория қурилишига сарфлади.

Мана кутубхона фонди минг дона китоб билан бойиди. Уларни Самарқанд вилоятига қарашли «Китобхон» ташкилоти фаоллари тортиқ қилишди. Ҳаммасидан ҳам отахоннинг қувончи чексизлигини айтмайсизми. Энг муҳими кутубхонадан қишлоқ аҳли ҳамда болалар кўпроқ наф кўрадиган бўлишди.

СУРАТДА: Самарқанддаги «Китобхон» ташкилоти раисининг муовини Ҳаким Алиқулов янги китобларни топширмоқда.

Сураткаш: Р. ҒОФУРОВ. (ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

Қонунбузарларга мактаб аттестатлари

Лос-Анжелесдан унча узоқ бўлмаган жойдаги балоғатга етмаган тарбияси қийин болалар учун мўлжалланган «Кэмп Скотт» лагеридаги 17 ёшли махбус Сандра Ливи ўтган йилнинг кузида қамоқ муддатини ўтаган бўлишига қарамай озодликка чиқишдан бош тортган.

— Мен ўз ўқишимни тугатишим керак, — деб мақсадини тушунтирди у. — «Очиқликда» эса ўқишни давом эттира олмайман. Яна бирор кор-ҳол рўй бериши ва қайтадан қамалиб қолишим мумкин. Қизлар эса менга «Тентак, бу ерда ҳамма нарса режимда-ку!» дейишади. Хўш, нима бўлибди, бу яхши-ку — интизомга ўрганаман. Мен шундай ҳисоблайман: бу ерда ортиқча тўққиз ой ўтиришим балки умр бўйи қамоққа қайта тушмаслигимга сабаб бўлар.

Сандра нима деяётганини жуда яхши билади. У ҳам бошқа кўплаб «тарбиясиз» ўсмирлар сингари Лос-Анжелесдаги омадсиз оилалардан бирининг фарзанди. Унинг онасига қонун билан жуда кўп марта тўқнашишга тўғри келган. Шунинг учун ҳам Сандра кейинги ўн йил ичида болалар уйларида, балоғатга етмаган тартиббузарларга аталган етимхоналарда яшаган. Бу ерларга у мактаб дарсларини тез-тез қолдиргани ва айниқса гиёвандлик қилаётганлиги туфайли тушиб қолган. Тарбияси қийин бошқа болалар каби унинг пешонасига ҳам давлат берган садақага кун кечириш тақдири ёзиб қўйилган. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари эса бундайларга қарши тинмай кураш олиб боришади.

Унга ўхшаганлар Лос-Анжелеснинг ўша мавзеси — Лотин Америкасидан келганлар ва ранги ҳар хил одамлар ғуж яшайдиган жойда жуда кўп. У ерда саводлилар даражаси жуда кам, ишсизлар эса ҳаддан зиёд тиқилиб ётибди. Бундай шароитда ўсган ўсмирлар бу ерларда одат тусига кириб қолган тўдаларга сўзсиз уюшадилар. Бундан қиз болалар ҳам четда қолишмайди. Улар тенгдошлари бўлган ўғил болалар ҳомийлиги остида ўз кўчаларида тузилган гуруҳларга бирлашадилар.

Тўғри, ота-онасининг ўтмиши жиноий ишлар билан боғланган, ҳозирги пайтда эса ака-укалар тўдасида турган бўлса ҳам қизларни шафқатсиз аҳлоқсизликдан сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бироқ, сен ўсмир бўлганингда кўчада кўрган-кечирганларингни ҳатто энг даҳшатлиси (шу сўзнинг асл маъносида) ҳам ҳар қандай оқилона фикрдан кўра муҳимроқ бўлиб туюлади.

Албатта, бир тўдадаги қизларнинг «фаолиятлари» кўпинча қандай кийим кийиш (маҳаллий болалар танлаган рангдаги), ичимликнинг, чекадиган «гиёҳ»ларнинг алоҳидалиги билан ажралиб туради. Бошқа «кўнгилочар» воқеалар ҳам бўлади.

Мисол учун, Грейсприт ноҳиясидаги қизлар тўдасининг 14 ёшли аъзоси Твити бир йил муқаддам кинотеатрда муштлашув келтириб чиқарганлиги учун қўлга тушган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у автомобиль ўғирлагани учун қамалди. Шундан бери у полиция ҳисобида рўйхатда туради. Твити биринчи бор қўлга тушганда онаси астойдил куйиниб, «Вой, қизгинам, мен сени бу даражагача етганингни ҳеч ўйламаган эдим!», деб кўз ёши қилган. Лекин энди, дейди Твити, онам мени қаерга кетаётганимни, қачон келиб, кечалари қаерларда юрганимни суриштирмай қўйди.

Айрим қизлар — улар ҳозирча кам, — ўзларига тенгдош ўғил болаларни қора ишларга: ўғирликка, босқинчиликка, наркотикларни тарқатишга жалб қилишмоқда. Бу эса алоҳида махсус жойларга тўппа-тўғри йўлдир. Лекин у ерларда қамалганларга жиноятчилардек қарашмайди. Улар ёш қонунбузарларга имкониятларига қараб ўқишларини давом эттиришга, ҳаттоки касб ўрганишларига шароит яратиб беришга ҳаракат қиладилар. Ўз маҳаллаларида бемаъни, орзу-умидсиз ҳаётга кўникиб қолган кўплаб ёшлар бундай ғамхўрликка ғоят қийинчилик билан кўникадилар. Сандра Ливига ўхшаган айрим ёшлар эса, ўзларига яратилган бу имкониятдан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ва ҳаётда ўз ўринларини топиб олиш учун билим эгаллашга зўр берадилар.

Сандра ётган «Кэмп Скотт» лагери 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган 90 нафар қизга мўлжалланган. У бундан уч йил муқаддам Лос-Анжелесдан эллик километр шимолда қурилган. «Ливи бизнинг лагеримизда қолишни истаганларнинг биринчисидир, — дейди доим «беш»га ўқийдиган ўқувчисига васийлик қилувчи қора танли директор Мэри Дедерик. — У истак бўлса, ҳар қандай орзу амалга ошишини кўрсатади».

Сандра лагердан чиққандан сўнг ўз амакисиникида яшашга ва компьютерда ишлашга тўла ўрганиб олиб, кейин программа тузувчи бўлиб ишлашга ҳаракат қилмоқда.

Унга бу соҳада омад тилаймиз.

Евгений ПОЗДНЯКОВ,
АПН мухбири.
Сан-Франциско.

Нуриддин МУҲИТДИНОВ

Наманганда ўтган кунларим

Мен Усмон Юсуповичга қарадим.

— Бу ёққа келинг, — деди у киши. Бордим. Турибман. — Хўш, нима дейсиз?

— Аждодларимизнинг руҳоний кишилар бўлгани ёлғон, туҳмат, отам дарҳақиқат йигирма йилдан кўпроқ маҳалла комиссиясига раис бўлганлар. Аммо қўшниларга сув бермай қўйганларини биринчи эшитишим. — деб жавоб бердим.

Усмон Юсупович:

— Наманганга қайтаверинг. Пленум чақирманглар. Нима қарорга келсак, Сизга хабар қиламан! — деди.

Шу билан гап тугади.

Бир неча соат ота-оналарим олдига кириб, кейин Наманганга кетдим. Орадан уч кун ўтгач вилоят қўмитасининг биринчи котиби вазифасини ҳам бажараётган иккинчи котиб Иван Васильевич Стрельцов биз бюро аъзоларини тўплаб, Усмон Юсуповичнинг Андижонда эканлигини, эртага поездда бизга ўтиб келишини айтди. Ҳаммамиз Норин ноҳияси Андижон вилоят сарҳадига боришга келишиб олдик. Куннинг иккинчи ярмида поезд келди. Биз вагонга кирдик. Усмон Юсупович билан, уни кузатиб келганлар билан сўрашдик. У киши бу ёғига машинада кетишни маъқул кўрдилар. Илгари бундай ҳолатларда у киши машинага ўзлари билан вилоят қўмитасининг биринчи ва иккинчи котибларини, вилоят ижроқўми раисини олардилар. Бу гал ўз машиналарига фақат иккинчи котибни таклиф қилдилар. Биз ҳаммамиз бошқа машиналарга ўтиришиб, Наманганга келдик ва иккинчи қаватга кўтарилдик. Биринчи котибнинг қабулхонасида Стрельцов менга: «Сиз уйингизга кетаверинг, керак бўлсангиз таклиф қиламиз», — деди. Ҳамма бюро аъзолари биринчи котиб хонасига кириб кетишди.

Бу ерда Усмон Юсупович менинг устимдан жуда жиддий шикоят тушганини хабар қилибди. Бу ҳақда Москва ҳам хабардор этилибди. «Мен сизларга бошқа бирор кишини биринчи котиб лавозимига таклиф этиш хусусида маслаҳатлашгани кирдим», — дебди Усмон Юсупович. Ҳозир бўлганларнинг илтимоси билан Усмон Юсуповичнинг ёрдамчиси Владимир Иванович Попов менинг устимдан ёзилган шикоят хатини ўқиб берибди. Ўртага сукунат чўкибди. Ҳамма жим. Шунда Иван Васильевич «Муҳитдинов билан суҳбатлашдингизми?» — деб қизиқибди. Усмон Юсупов «Ҳа, у хатни туҳмат ҳисоблаяпти», — дебди. Шунда вилоят ижроқўм раиси Зокиржон Сатторов «Усмон Юсупович, батафсилроқ текширилса бўларди», — дебди. Иван Васильевич менинг қисқа давр ичидаги ишимга юксак баҳо бериб, таклиф этилган лавозимда фойдаланиш зарурлигини қатъий туриб айтибди.

Усмон Юсупович бошқа номзодлар ҳам борлигини хабар қилибди ва уларнинг номларини айтибди. Бюронинг ҳамма аъзолари Стрельцов билан Сатторовнинг чуқур текшириш керак, деган таклифини қувватлашибди. Шу билан суҳбат тугабди. Усмон Юсупович ҳеч қаерга кирмай, вокзалга борибди ва ўз вагонига ўтириб, Тошкентга жўнаб кетибди.

Орадан уч кун ўтгач, Косимов қўнғироқ қилиб: «Тошкентга учиб келинг» — деб қолди. Тахминан 5 соат чамаси Марказқўмда бўлдим. Кейин мени Усмон Юсупович ҳузурига таклиф этишди. У ерда Марказқўмнинг қишлоқ хўжалиги бўйича котиби В. А. Билбас, тарғибот бўйича котиби М. Ғ. Ваҳобов, Тошкент шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котиби М. Г. Чиковани, Октябрь ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Мумтоз Муҳамедовлар ўтиришган эди. (Мен Октябрь ноҳиясида туғилиб ўсганман).

Усмон Юсупович:

— Бу ерда ҳозир бўлганлар Сизнинг устингиздан тушган материалларни текшириш бўйича комиссия аъзолари. Сиз билан яна кўришамиз, ҳозирча меҳмонхонада яшаб туринг. Зарур бўлса, булар сизни таклиф этишади, — дедилар.

Комиссия аъзоларининг ҳаммалари ота-онамнинг уйида бўлиб, улар билан, барча қўшниларимиз билан маҳалланинг таниқли кишилари билан суҳбатлашдилар. Мачитда бўлдилар. Фирқалар ва ноҳиянинг бошқа фаоллари билан гаплашдилар. Бир неча кун давомида 90 киши билан учрашиб, гаплашдилар. Охирги якунловчи суҳбатга Октябрь ноҳия фирқа қўмитасининг котиби кабинетига мени ҳам таклиф қилишди. Билбас йиғилишни бошқарарди. Қабулхонада бир неча кишини алоҳида таклиф этишарди. Кирганларнинг гапларини ва менинг жавобларимни эшитишарди. Охирида бир кекса киши кириб, бурчакка ўтирди. Василий Андреевич таржимон орқали унга савол берди:

— Сиз ўзингиз Нуриддин Муҳитдиновни кўрганмисиз?

У жавоб берди:

— Бўлмасам-чи, у менинг қўлимда катта бўлган. Ҳар гал келганида уйларида ҳозир бўлганман, меҳмонлар келганда қарашиб турганман.

А. М. Баскаков сўради:

— Ҳозир кўрсангиз танирмидингиз?

— Бўлмасам-чи...

Шунда Василий Андреевич менга қараб, кулиб «унга ўгирилингчи» деди.

Мен ўрнимдан туриб, унга яқин келдим: «Ассалому алайкум, Карим ака». У менга қаради-ю, эси оғиб қолгандай жавоб қилди: «Ваалайкум ассалом». Шу заҳоти ўрнидан туриб, титроқ овоз билан уни алдашганини, хатни бошқалар ёзганини, унга турли ваъдалар бериб ва қўрқитиб имзо чекишга мажбур этишганини, шунинг учун қўл қўйганини айтиб берди.

Василий Андреевич ундан Нуриддин Акромовичга саволларингиз борми? — деб сўради. Карим ака: «Мени кечир қадрдон ўғлим, худонинг олдида ҳам, ота-оналаринг олдида ва сенинг олдингда ҳам гуноҳкорман, ўзимни ҳам, шу номаъқулчиликни қилишга мажбур қилганларни ҳам асло кечиролмайман», — деди.

Василий Андреевич менга қараб: «Бориб дамингизни олаверинг, керак бўлсангиз таклиф қиламан», — деди.

Эртасига кечки соат 7. да комиссия аъзолари Усмон Юсупович ҳузурида тўпландилар. Мен ҳам ҳозир бўлдим. Улар менинг бобом ва бобокалонларим дин арбоблари бўлмаганлигини айтишди. Кичкина боғимиз бўлиб, ўша боғда ишлашган, ҳеч қайсилари Маккага боришмаган, отам 30-йиллардан маҳалла комиссиясининг раиси, армияни кийим, пойабзал ва озиқ-овқатлар билан таъминлашда фаол қатнашгани учун мукофотланган. Айни пайтда у совхозда боғбон бўлиб ишлайди. Жума кунлари мачитга бориб, номоз ўқийди.

Хат муаллифи Карим аканинг ўғли қамоқда. Икки киши аввалдан тайёрланган хатга қўл қўйса, ўғлини бўшатишни ва ўзига минг сўм пул беришни ваъда қилган. У узоқ вақт қаршилик қилган. Кейин иккиланган. Агар қўл қўймаса, ўғли отилиб кетишини айтиб қўрқитишгандан кейин қўл қўйган экан.

Шуни айтиш керакки, ўша одамлардан бири жумҳурият ҳукуматининг аъзоси бўлиб, Наманган вилоят фирқа қўмитаси биринчи котиби лавозимига номзодлардан, менинг болаликдаги дўстим ва қариндошим эди.

Комиссия ана шуларни изҳор этгандан кейин Усмон Юсупович ўрнидан туриб мени табриклади. Бошқалар ҳам шундай қилишди. У вилоят қўмитаси пленумида Баскаков ва Катишев ўртоқлар мени таништиражакларини эълон қилди.

Учовлашиб Наманганга келдик ва бюро аъзоларини тўпладик. Улар бўлиб ўтган гапларни айтиб бердилар ва кимни кўрсатамиз? — деб сўрадилар. Ҳаммалари менинг номимни аташдилар. Икки кундан кейин пленум бўлди. Пленумни И. В. Стрельцов очди ва раислик қилди. Менинг устимдан тушган шикоят ва уни текшириш натижалари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Бюроси номидан Баскаков ахборот берди. У Марказқўм ва вилоят қўмитаси бюроси номидан менинг номзодимни таклиф этди. Вилоят қўмитаси аъзолари ва пленумнинг бошқа қатнашчилари, биз гапиришга ўрганиб қолгандай, бир овоздан сайладилар.

Мен ўшанда мансабпарастлик ва унинг бош қуроли бўлган ёлғон ва бўхтоннинг нечоғли даҳшатли нарса эканини тушундим. Ўша туҳматномани уюштирган одам ўз хатолари ва суиистеъмоллари учун юксак лавозимдан олиб ташланди. Биз у билан бир неча бор кўришдик. Наманганга келди. Кўз ёши қилиб узр сўради ва оқибат натижада ўз иродасини тўплаб, фан номзодлиги диссертациясини ёқлади. Кейин оддий илмий ишда ишлаб докторлик диссертациясини тайёрлади. Уни Москвада ёқлади ва поездда уйга қайта туриб йўлда, 48 ёшида вагонда вафот этди. Уни Тошкентда дафн этишди. Докторлик дипломини эса хотини ва ўғли олди.

Энди ишларимиз ҳақида.

1947 йил баҳор кунларининг бирида Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Москва» колхозининг раиси Раҳматулла Ортиқов билан И. В. Сталин номли колхоз раиси Ўрмонжон Тўрабоев вилоят қўмитасига келишди. Улар менга кириб нефть қидирувчилар қазиётган қудуқлардан шўр ва иссиқ сув чиқиб, томорқаларни, экинзорларни, дарахтларни қуритаётганини, сойнинг тоза сувини бузаётганини айтишиб, шикоят қилишди. Ана шу сув туфайли ноҳиядан ҳатто бедана ва булбуллар ҳам кетиб қолишган эмиш. Айни пайтда экинзор ёнидаги кичкина ариқдан оқаётган ана шундай сувда одамлар даволанишаётган эмиш.

Биз эртасигаёқ вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Саид Хўжаевич Маҳмудов билан Намангандан 25 километр олисда бўлган Чортоқ қишлоғига бордик. Бу ерда ғалати манзарани кўрдик. Қудуқ ёнидаги ҳовузча атрофида Қўқон, Андижон, Қирғизистон ва Қозоғистондан келган бир талай аёллар ва эркаклар. Улар ана шу бўтана сувда ётиб, кейин бир чеккага чиқиб ухлашарди.

Уларнинг таъкидлашларича, бу сув шамоллаш, бот, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволар эмиш. Фарзанд кўрмаган аёллардан бир нечтаси ана шу «ваннага» тушгандан кейин фарзанд кўришибди.

Ўша ернинг ўзидаёқ ноҳия ва колхозларнинг раҳбарлари билан келишиб, қудуқ атрофини девор билан ўраб қўйишни, ёнига чойхона-ошхона қуришни мўлжалладик. Омбор бўлиб турган биноларни бўшатиб, ремонт қилиб, уч-тўрт ванна ўрнатиладиган бўлди. Соғлиқни сақлаш муассасаларига бу ерга врач ва ҳамшираларни қўйиш топширилди. Вилоятқўмга қайтгач, Тошкентга — соғлиқни сақлаш вазири ўртоқ С. Б. Зоҳидовга қўнғироқ қилдим. Унга Чортоқда кўрган ва эшитганларимни айтиб, зудлик билан бу сувнинг хусусиятларини ўрганиш учун мутахассисларни юборишни сўрадим. Қўқондан «Средазнефть» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Лексашовни вилоят қўмитасига таклиф қилдим. У 1946 йилда нефть қидириб қудуқ қазилганида 624 метр чуқурликда иссиқ, шўр сув чашмаси очилганини айтди. Бу сув 19 атмосфера босими билан бир миллион 56 минг литр миқдорда чиқар экан.

Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири С. Б. Зоҳидов бизнинг илтимосимизга лаббай деб жавоб берди ва Чортоққа Семашко номидаги курортология ва физиотерапия институтининг В. М. Файбушевич, Р. И. Евсеев, Б. А. Бедер, Р. И. Лубинская каби профессор ва доцентлардан иборат мутахассислари келишди. Улар сувни текшириб, унинг таъсирини ўрганиб бот, белоғриғи ва бошқа касалликларни, шунингдек, экзема, тошма, айрим гинекологик ҳамда ошқозон-ичак касалликларини даволашга самарали фойда бериши ҳақида хулоса чиқардилар.

Кейин Тошкентдан мутахассислар экспедицияси келиб Чортоқнинг иқлими, геологияси, гидрогеологияси, зилзилабардошлиги, эпидемиология ва хўжалик ҳолатини ўрганиб, умидбахш ҳисобот тузиб бердилар.

Ана шу асосда 1947 йилнинг охирига келибоқ Чортоқда собиқ болалар уйи биносида мувақкат стационар ташкил этилиб, 8 та ванна ўрнатилди. Дам олиш хонаси барпо қилинди, иссиқ овқат пиширадиган чойхона қурилиши ниҳоясига етказилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири С. Ҳ. Маҳмудов «Чортоқ»нинг бош врачи қилиб тасдиқланди. Врачлар ва тиббиёт ходимларидан иборат ихчам жамоа тузилди. Илмий текширишлар шуни кўрсатдики, Чортоқ сувининг бир литрида 41—57 грамм йод, бром, бор, хлорид, кальций, натрий тузлари ва бошқа элементлар мавжуд. 41—51 даража иссиқликда бўлиб, озон гази ҳам бор.

Наманган вилоят фирқа қўмитаси ва вилоят ижроия қўмитасининг СССР соғлиқни сақлаш вазири М. А. Ковригинга йўллаган хатига жавобан Чортоққа СССР курорт ва санаторийлар бош бошқармаси вакиллари юборилди. Улар бу ерда бальнеологик курорт ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқладилар. 1949 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирининг 214-буйруғи билан Ўрта Осиёда биринчи бальнеологик стационар санаторий очилди. Чортоқдаги бу шифохона 30 ўринли бўлиб, даволаниш муддати 24 кун эди.

Бир куни мана шу фойдали ишимизни барбод қилишимизга сал қолди. 1949 йилнинг ёзида Усмон Юсупов келди. Биргалашиб Уйчи ноҳияси пахтазорларини айландик. Чорток колхозларини кўриб юрганимизда мен ана шу шифобахш сув ҳақида гапириб бердим. Булоқ олдида тўхтадик. Беморлар сув тўғрисида ҳаяжонланиб гапириб бердилар. Шунда Янгиқўрғон ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ Қосимов сувнинг хусусиятларини мақтаб туриб, унинг «реактивлиги»ни айтиб қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котибининг ёнимизда турган ёрдамчиси Владимир Иванович Попов уни «радиактив» деб тузатди. Буни эшитган Усмон Юсупов ўртоқ Қосимовга ноҳиянинг сиёсий раҳбари бўлгани ҳолда бу ерда қандай сув оқаётганини билмаслигини айтиб қаттиқ танбеҳ берди.

Усмон Юсуповнинг оёғида экзема бор эди. Врачларнинг маслаҳатларига кўра оёғини ваннага солиб, хуш ёқиб ўтирган эди. Шу пайт қўшни хонада қий-чув бўлиб қолди. Маълум бўлишича, қўшни хонада фирқа Марказий Қўмитаси ишлар бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ Т. В. Мешчеркин ваннага тушибди. Орадан бир неча минут ўтгач, аҳволи оғирлашиб қолибди. Уни ваннадан олиб чиқиб, кароватга ётқизишибди, зўр бериб даволашарди. Юраги хаста бўлгани ҳолда ваннага тушгани учун у ҳам оладиганини олди.

Вилоят ташкилотларининг таклифи билан Ўзбекистон ҳукумати СССР Вазирлар Кенгашига хат йўллади. Унга биноан 1949 йилда Чортоқ бальнеологик санаторийсининг биринчи навбатини қуриш учун 60 миллион сўм ажратиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. Бундай шифобахш курорт қурилиши биринчи галдаги ишга айланди. Вилоят қўмитаси ходимлари ҳар куни ана шу иш билан шуғулландилар. 120 гектар ер ажратилди. Мутахассислар истиқболини кўзлаб бош план туздилар. Нефть қидирувчилар яна иккита қудуқ қазиб бердилар.

Иш юришиб кетди. Қурилиш билан бирга кўкаламзорлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ер ишлари, қурилиш, ободонлаштириш ва ҳоказолар бўйича бригадалар тузилди. Кўкаламзорлаштириш бригадасига тажрибали боғбон Исмоилжон деган одам раҳбарлик қилди. Жумҳуриятнинг кўчатзорларидан мевали дарахтлар, шунингдек, чинор, қайрағоч, дуб, тол, арча кўчатлари олиб келинди.

(Боши рўзномамизнинг 13 апрель сонида).



Суратда: ГДР пойтахти — Берлин шаҳри.

Сураткаш Ш. ИБРОҲИМОВ.

Телетайп лентасидан

БОНН. Шу кунларда Рейн дарёси соҳилларида бирлашган Германия пойтахти қаерда — Бонндами ёки Берлинда бўлиши керакми, деган мавзуда мунозара авж олиб кетди. Агар сиёсатчилар ҳам, жамоат арбоблари ҳам ҳар иккала шаҳар пойтахт бўлиши мумкинлиги тўғрисида хилма-хил нуқтаи назарларни ёқлаб чиқаётган бўлсалар, саноатчилар ва бизнесменлар учун бу саволга жавоб аллақачон равшандир. Парламент ва ҳукумат қаерда жойлашмасин, йирик концернлар ва фирмалар ҳар қандай ҳолатда Берлинда ўз филиалларини очиш ниятидадир.

Шаҳарнинг географик мавқеи ва унинг структураси, деб таъкидлади «Виртшафтсвохе» ҳафтаномаси, унинг йирик халқаро саноат-молия марказига айланиши учун ғоят зўр шарт-шароитларни вужудга келтиради.

АНТАНАНАРИВУ. Янги партия — «курашаётган ишчилар ва деҳқонлар» партияси (МТМ) ўз олдига Мадагаскарда социализм ғояларини ҳимоя қилиш, оролда синфсиз жамият барпо этиш учун курашиш Малагасия шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашларининг куч-ғайратларини бирлаштириш вазифасини қўйган. Мазкур партия ички сиёсий фаолият соҳасида социалистик ривожланиш йўлидан бориш учун курашаётган партиялар янги миллий фронтини тузишда фаол иштирок этиш ниятидадир. Мадагаскардаги турли касаба уюшмаларининг фаоллари янги партиянинг асосини ташкил этдилар.

(ТАСС).

Ранг-баранг олам

Хурракка қарши дори

✦ «ЧАЙНА ДЕЙЛИ» рўзномасининг хабар беришича, хитойлик доришунослар яқинда янги дори кашф этдилар. Ушбу дармон 90 фоиз ҳолларда хурракнинг йўқолишига ёрдам беради. Бунинг учун уйқудан олдин бурунга доридан икки томчи томизилса бас, тун бўйи донг қотиб ухлайсиз. Энг муҳими, ёнингиздаги шеригингиз уйқусига осойишталик ҳадя этасиз. Албатта, бундай воситани ҳамма хуррак отувчилар кўз тикиб кутишмоқда. Ҳозирда бу дори оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланди. Бундан ташқари, аллақачон бундай ажойиб воситани ишлаб чиқариш учун Япония, ГДР, Франция, Сингапур, АҚШ сингари давлатлар хитойликлардан розилик олишга улгурди.

Тиниб-тинчимас бобо

✦ ЯПОНИЯЛИК Теничи Угараши исмли киши ер сатҳидан 3776 метр баландликдаги Фудзияма чўққисига чиқиш учун уч кун вақти кетди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки Фудзиямага ҳар йили минглаб японияликлар ҳамда хорижлик сайёҳлар чиқиб туришади. Гап шундаки, Теничи Угарашининг ёши — 101 да!

Икки соғлом журналист

✦ ЖУРНАЛИСТЛИК — зарарли касб. Космосдаги совет «Мир» станциясига парвоз қилишга номзод танлаш учун 98 япониялик журналист тиббий текширувдан ўтказилгандан кейин юқоридаги фикр яна бир марта тасдиқланди. Дастлабки текширувдан атиги 7 киши муваффақиятли ўтган бўлса, кейингисидан фақат 4 кишигина парвозга лойиқ деб топилди. Бироқ, Японияга келган совет врачлари барча номзодларни «пуч»га чиқариб, кўнгил учун «улардан икки киши дурустроқ даволансагина космосга учса бўлади» деб айтишди. Бу тадбирни маблағ билан таъминловчи «Токио бродкаст систем» компаниясининг қанчалик хуноби чиққанлигини тасаввур этиш қийин. Яқинда Япониядаги рўзномалар қувончли хабарни эълон қилишди — ниҳоят, икки соппа-соғ журналист топилибди. Улар яқин кунларда «Мир» станциясидан репортаж берсалар, ажаб эмас.

Ранг-баранг олам

МУШТАРИЙЛАРДАН МАКТУБЛАР

Рўзномамиз мухлислари йўллаган мактублар сони бугунгача 10 мингтадан ошиб кетди. Бу ўтган йилгидан 2 минг дона кўп демакдир. Шу жумладан ҳозиргача 833 та шикоят хати олдик. Унинг 700 таси тегишли ташкилотларга текшириб, чора кўриш учун юборилди. Олинган расмий жаволар сони эса 1,5 мингтага етди. 75 та шикоят хати билан мухбирларимиз шуғулланишмоқда. Ўрганилган шикоят хатлари рўзномамиз саҳифаларида эълон қилинаётир.

Қалбдан ёзилган мактублар

ХАТЛАР. Улар муштарийлар дилидаги кўзгу мисоли. Кимдир касалхоналардаги шифокорларнинг совуқ муомаласи, эътиборсизлиги, беморларга нописандлиги ҳақида куюниб ёзади, бошқа биров эса аксинча, меҳридарё саломатлик посбонларининг уддабуронлиги ва қўли енгиллигидан шифо топганлигини баён қилади, миннатдорчилик изҳор этади. Баъзилар эса тиббиёт масканлари ишини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиради.

Аксарият мактубларда муаллифлар ўзининг ёки бирор кимсанинг дарди ҳақида маслаҳатми, дори-дармонми сўрашган. Афсуски, уларнинг ҳаммасини газетада ёритишнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, ҳар бир кишига амалий ёрдам беришга интиламиз. Қанчадан-қанча муштарийларга гоҳ хат орқали, гоҳ телефон орқали нажот топишларида газета оз бўлса ҳам кўмак берди.

Биз «Саломатлик» клуби почтасига келган 425 та хатнинг руҳияти, мазмунига кўра шартли равишда учга бўлдик. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ. «Тиши оғриб қолган беморнинг шифокор ҳузурига боришдан юраги зир титраши турган гап. Шифокор тажрибали бўлса-ку, майлия, агар аксӣ бўлса-чи... Худди шундай мен ҳам поликлиника врачининг шошма-шошарлиги туфайли (нотўғри қўйилган доимий пломба) тишим тўсатдан оғриб қолди. Оғриққа чидаб бўлмасди. Киров ноҳиясидаги 5-стоматологик поликлиникага мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Тишимни обдон текшириб, даволаш кор қилмаслигини, уни олдириш зарурлигини айтган жарроҳ Ҳусан Турдибоев жонимга оро кирди. Икки кеча-ю, икки кундуз чеккан азобларим унут бўлди. Қўли енгиллигини ҳис қилдим. Ҳатто оғриқни ҳам сезмадим. У касалликнинг асоратсиз ўтиши учун кўриладиган муолажалар хусусида қайта-қайта такрорлади. Рости, ўз ишига масъулиятли шифокорни биринчи бора кўришим. Уни қўли енгил шифокор, дея олқишлагим келади. Қани энди барча врачларимиз ҳам ўз ишига эътиборли бўлса, бемордан доим миннатдорчилик эшитишса.

Муслим ҒУЛОМОВ, Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи».

НОРОЗИЛИК МАКТУБИ. «Пуллик даволаш масканлари, саломатлик ширкатлари сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳам халқ саломатлиги йўлидаги ғамхўрликнинг маълум даражадаги ифодасидир. Мен ана шу ерларда хизмат ҳақи тўловлари ҳақида мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Бемор бирор бир мутахассис қабулига кириб, маслаҳат олиш учун 8—10—12 сўмдан пул тўлаб талон олади. Бир даволаш курси учун эса аллақанча сўм, ҳар кимнинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди. Шифо илинжида келган бемор даво топадими, йўқми барибир. Ўша сўмни олдиндан тўлаб қўйиши шарт. Агар бемор шифо топса берганиға ҳеч оғринмайди. Борди-ю, наф кўрмаса емаган сомсага пул тўлашдек бўлади-ку?! Маълум вақт ўтгач такрорий курсга келадиган бўлса ҳеч қандай наф кўрмаган бўлса-да, яна ўша қийматни тўлайверади. Менимча бундай тартиб инсоф доирасига кирмайди. Чунки шифо излаб бораётганларнинг айримлари фақат давлат нафақаси билан тирикчилик қилиб, бахоли қудрат рўзғор тебратаётган кишилардир. Улар азбаройи шифо топиш илинжида нафақасидан тежаб-тергаб, тўплаб олиб келса-ю, ҳеч наф кўрмаса, унинг дардига дард қўшилади-ку.

Мен Андижон шаҳар, Тошкент кўчасидаги 52-уйда очилган «Бардамлик» ширкатига борган эдим. У ерда бир даволаш сеанси учун 10 сўм белгиланган. Ўша қиймат сеанс охирида агар бемор шифо топсагина олинади. Топмаса олинмайди. Бундай тартиб ҳам инсоф, ҳам олийҳимматлик талабига жавоб беради. Қани энди пуллик даволаш масканлари фаолиятига раҳбар бўлган, назоратчи мутасадди ўртоқлар уларнинг ишини «Бардамлик» ширкати намунасида ташкил этсалар, бекиёс олийжаноблик бўлур эди.

У. РАҲМОНОВ, Бекобод ноҳиясида истиқомат қилувчи пенсионер.

ТАКЛИФ. «Мен газетангиз саҳифасида ёритилган «Оёққа туришга ёрдам беринг» мақоласини ўқиб чиқдим. Мақола менга жуда кучли таъсир этди. Бир неча кундан буён шу мақолани ўйлаб, кечаси уйқум келмайди. Наҳотки бизнинг Совет давлатимиз шунчалик қолоқ бўлса? Ахир йигитларимиз Афғон юртида оёқ ва қўлларидан айрилиб, ногирон бўлиб келсалар-у, уларга зарур бўлган протезларни тайёрлаб беролмаса.

Лекин мен шундай ногирон байналмилал жангчиларимизга протез қўйиш учун пул тўланадиган бўлса, бир кунлик иш ҳақимни беришга тайёрман. Шундоқ ҳам ҳали сувдан қутқариш, ҳали ҳушёрлик ва бошқа-бошқа бир неча ўнлаб жамиятларга ҳар йили маошимиздан бир неча сўмни йиғиб беряпмиз. Шулар қатори юқоридаги хайрли иш амалга ошса, биз ҳам байналмилалликка ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

М. АБДУНАЗАРОВ, Наманган вилояти, Поп ноҳияси, Ғурумсарой қишлоғи».

Кишиларимизни қувонтирган ва ранжитган воқеа-ҳодисалар муштарийлар ҳукмига айнан ҳавола этилди.

Л. СОАТОВА,
Шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мухбири.

Муштарий миннатдорчилиги

Ўлимни доғда қолдириб

... Терапея бўлимига келтиришганда аҳволим жуда оғир эди. Бахтимга врачларнинг уринишлари, туну-кун бошимда туриб ҳамма чораларни кўрганликлари мени ажал сиртмоғидан асраб қолди. Асраб қолдигина эмас, касаллик азобидан ҳам қутқарди. Қувончимни газетхонлар билан баҳам кўрсам, деган умидда сизларга ёзяпман. Дўстлик шаҳридаги ноҳия санитария-эпидемиология станциясида оддийгина боғбон-қоровул бўлиб ишлайман. Лекин кимлигимдан қатъи назар менга парвона бўлганликлари, ширин сўз ила шифолашганидан умрбод миннатдорман.

Марказий касалхонанинг барча шифокорлари, хусусан, терапея бўлими врачи С. Эшниёзов, навбатчи врачлар Насибахон, Тамарахон, Муҳаббат ва Гавҳарлар (фамилиялари ёдимда йўқ) га чин юракдан раҳмат.

М. МАҲМУДОВ,
Сирдарё вилояти.

БОЛАМ БОҒЧАГА БОРЯПТИ

Ҳурматли редакция! Бизнинг оиламиз аъзолари беҳад хурсанд. Чунки биз ўғлимиз Улуғбекни тўрт йилдан бери Тошлоқ ноҳиясидаги 13-«Ғунча» болалар боғчасига жойлаштиролмай қийналиб келардик. Сизларга шикоят ёзишга мажбур бўлдик. Раҳмат, бизнинг мактубимизни инобатга олиб уни Тошлоқ ноҳия халқ таълими бўлимига юборибсизлар. Ўғлимиз боғчага жойлаштирилди.

Агар менинг миннатдорчилик мактубимга рўзномангиздан жой ажратсангиз жуда хурсанд бўлардим. Токи менга ўхшаб овора бўлиб юрганлар жонидан ўтгач, юқори ташкилотларга шикоят билан мурожаат қилмасинлар.

Иброҳим МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти, Тошлоқ ноҳияси.



Суратда жилмайиб турган бу қиз комсомол аъзоси Дилором Аъзамова. Серғайрат бу қизни Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Ширинлик» комбинатидагилар фахримиз дейишади. Бундан олти йил муқаддам у комбинатга шогирд бўлиб келганди. Энди эса обрў эътиборли устоз. Дилором бу бахтга ҳалол меҳнати ва инсонларга меҳрибонлиги билан эришди.

Суратчи Ҳ. ШОДИЕВ.

Муштарий танқид қилади

Лоқайдликми ёки...

Бир неча йилдирки, Фориш ноҳияси «Союзпечать» ходимлари обуначиларни қаттиқ ранжитиб келишмоқда. Ҳар йили қайсидир нашрга обунада чекланганлик бўлади.

Ўтган йили «Гулхан» журнали, ундан аввалги йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси мухлислари ранжиган бўлсалар, бу йил бу «бахт» «Ёш ленинчи» муштарийларига насиб энди. Яъни ноҳия бўйича 62 та обуначи рўзноманинг 1990 йил сонларидан маҳрум бўлди. Сабаби: пуллари ўтказилмаган экан. (Айтишларича, талаб қилсак пулимизни қайтариб беришармиш). Шуниси ҳам борки 62 обуначининг ҳаммаси бизнинг Қоратош почта бўлимидан эканлиги кишини ҳайратга солади. Бу ўта лоқайдликми ёки... Ана шу «ёки»ни ҳал қилиб, ечимини ечишда ёрдам берсангизлар.

Б. ХОЛХЎЖАЕВ,
Т. АБДУЛЛАЕВ.

Қачон уй оламиз?

Оиламизда 8 жонмиз. Икки хонали уйда сиқилиб зўрға яшаяпмиз. 1985 йил С. Раҳимов ноҳия ижроқўмида 168-бўлиб рўйхатга олинган эдик. Орадан беш йил ўтгач навбатимиз 85-ўринга келибди. Буни қандай тушуниш мумкин. Адолат борми? Ўзбекистон телевидениесининг «Хат ва ҳаёт» кўрсатувига бу ҳақда ёзган эдик. Ижроқўмдагилар «Редакцияга ёзиб нима қиласизлар? Навбатингиз келса уй оласизлар» дейишди. Менинг бешта укам бор. Ёшим 16 да, катта укам 14 да. Биз қандай қилиб бир хонада ётамиз. Айниқса, уйимизга меҳмон келиб қолса, укамлар билан дарс тайёрлашга жой қолмайди. Бизнинг оиламизга сизлардан уй олишда ёрдам беришларингизни сўраймиз.

Н. АКРАМОВА,
Тошкент.

Яшашдан мақсад нима?

Мен Самарқанд вилоятидаги, Иштихон ноҳиясига қарашли «Коммунизм» давлат хўжалигидаги Болқи қишлоғида яшайман. Касбим ўқитувчилик. Тақдир тақозоси билан Пайариқ ноҳиясидан бу ерга келин бўлиб тушганман. Шундай фаровон замонда бизнинг қишлоғимизда биронта медпункт, болалар боғчаси, магазин йўқ. Кинотеатр, ҳаммом ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгули. Қишлоғимиз ёнидан катта-катта газ қувурлари ўтган. Биз ҳамон ўтин ёқамиз.

Хўжалигимиз ҳар йили давлатга маҳсулот сотиш планини ортиғи билан уддалайди. Лекин маданий шароитимизда ҳеч ўзгариш сезилмаяпти.

Б. МИНГБОЕВА.

Тақдир сўқмоқлари

Ҳаётимиз ширин эди...

Менинг бу ёш бошим не-не тошларга тегмади, дейсиз!! Кимгадир дардимни айтиб, кўнглимни бўшатишим керак. Шунинг учун бор гапни ёзайин. Мени бу ерда қариндош уруғим йўқ. Турмуш ўртоғимнинг ёлғиз ўзи ишлар эди. Бир оилада 9 киши яшар эдик. Ўйлаб кўринг, битта шим 38-40 сўм туради. 1982 йил қайнонам вафот этди. Мовлиятлар учун қанчадан-қанча харажатлар кетмади. Эҳ-ҳе, буларнинг ҳисоб-китоби ҳам йўқ. Икки кило гўштнинг пулини топиш учун қанча тер тўкиш керак. Бир-икки кило гўшт эса бир оқшомга зўрға етади.

Болалар оёқ кийими 1 ой ўтар-ўтмас йиртилиб битади. Бир кишининг ишлагани ейиш-ичишга кетсинми ё мовлиятларга! Сув танқис, ҳовлига бирор нарса экиб ололмаймиз. Хўжайиним далада тинмай ишлагани билан совхоздан ёрдам сўрамасди. Молларга ем-хашакларни ҳам сотиб олар эдик. Бошқа одамлар силос, сомон, кўмир учун ёрдам пули олишар эди. Унинг отпуска олмай ишлаганлигини ҳам бир тасаввур қилиб кўринг-а! Турмуш ўртоғим яқинда бир ошнасидан енгил машина сотиб олган эди, номери ҳам, ҳужжати ҳам олинмаганди. Машинани авайлаб ҳайдар, тозалаб ювар, ёш боладек севинар эди. Афсус машина ҳам қолди. Тилаб олган болаларининг суннат тўйини ҳам ўтказолмади.

Йигирма икки йилдан бери бир-бирини кўрмаган синфдошлар оилавий учрашув ўтказишмоқчи эдилар — 24 сентябрда (1988 йил), лекин 4 кун етмади. Турмуш ўртоғим ўлган куни совхоз 600 сўм пул берибди. Мен уни кўрганим йўқ. Гўрковларга, муллага беришган, деб айтишди. 2 кундан кейин эксперт келиб яна гўрни очди. Яна пул тўладик. Орадан бир ойлар ўтиши билан 500 сўм пул билан ойлигини беришди. Ҳаммасини йиғиб, олган қарзимиздан қутулдик. Қирқини ўтказдик. Шу билан ойлик ҳам узилди. 6 ой ҳеч қандай ёрдам ҳам, пул ҳам олганимиз йўқ. Егани нонга, ичгани чойга зор бўлдик. Совхоз бухгалтерига, директорига, маҳаллий комитетига хат ёздим. Унинг олинмай қолган 450 сўм ойлигини беришди. Кун ўтаверди. Ифторини қилдик. 9 ойга йилини қиласан дейишди. Бухгалтерга бордим. Акажон ёрдам беринг, дедим. Йўқ, дейишмади. Ун, шакар, мой ҳам беришди. Яхши одамлар кўп дунёда. Совхоз маъмурияти ҳар қалай қараб турмади.

Турмуш ўртоғимнинг ёш нобуд бўлганига куяман. Болаларимнинг «Ота!», деб расмини қучоқлаганларини кўрсам, ич-ичимдан эзиламан. Уни бир йил яшадим. Ҳаётимиз лаззатли ва ширин эди. Ҳасратимни ёзаверсам адо бўлмайди. Тақдир, дегани шуми билмадим.

Аммо, хулосам шуки, одамларни асранг одамлар. Бу безовта замонда қадриятни унутманг, оқибатни йўқотманг, дейман.

Б. ЭЛМУРОДОВА,
Сурхондарё вилояти.

Шу кунларни кўрмади улар

Тинч, осойишта яшардик. Тақдир эканми ёки бахтсизликми, билмадим. Турмуш қурганимизнинг бешинчи йили хўжайиним хасталикдан вафот этди. Ўшанда 27 ёшда эдим. Уч норасида гўдак билан қолгандим. Албатта, бундай пайтда ҳар қандай киши ҳам ич-ичидан эзилади. Кунларни йиғлаб ўтказдим. Лекин, кейинчалик қарасам, бу билан узоққа боролмайдиган кўринаман. Хўжайинимнинг муҳаббатини покиза сақлаш, васиятини адо этиш учун ўзимни қўлга олдим: қариндош-уруғлар ҳам қараб туришмади, қўшнилар, яхши кишилар дардимга малҳам бўлишди; далага чиқиб кўп қатори меҳнат қилдим, фарзандларимни ҳеч нимадан кам қилмай улғайтирдим. Айни кунларда уларнинг бири инженер, иккинчиси ўқитувчи, учинчиси эса механизатор, ота касбини эгаллаган. 7 нафар неварам бор. Бахти тугал бувиман.

Уч фарзандим ҳам уйларининг тўрига отаси ва менинг расмимни қўйиб қўйишган. Бундан қувонаман. Хўжайиним: «бир умр бирга бўламиз» дер эди. Ҳа, бир умр биргамиз. Гоҳида ўкинаман ҳам: улар шу кунларни кўрганларида, қандай қувонардилар-а!

РИСОЛАТ АЯ,
Самарқанд.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«Афғон иш сўрайди»

Юқоридаги сарлавҳа остида берилган танқидий мақолада ҚҚАССР Тўрткўл ноҳиясидаги «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи байналмилал-жангчи Баҳодир Раҳмонов узоқ вақтдан бери иш билан таъминланмаётганлиги танқид қилинган эди. Б. Раҳмонов бу масалада бир қатор ташкилотларга мурожаат этса-да, унга раҳбарлардан амалий ёрдам бўлмаётганлиги айтиб ўтилганди. Мақола текшириб чора кўриш учун Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасига юборилганди. Яқинда вилоят партия қўмитасининг қотиби К. Режабов имзоси билан жавоб олдик.

«Б. Раҳмонов 1989 йил июнь ойи охирида 120 сўм маош билан «Совет Ўзбекистони» жамоа хўжалигига ишга жойланди», — дейилади унда. — Автоном жумҳуриятда жами 2445 нафар байналмилал-жангчи истиқомат қилади. Уларнинг 257 нафари талабалардир.

52 нафар ногирон, 40 нафар ҳалок бўлган жангчининг оиласи социал таъминот органлари ҳисобида турибди. Улар нафақа билан таъмин этилган. Амбулатория ва поликлиникаларда байналмилал-жангчиларни навбатсиз қабул этиш йўлга қўйилган. Жумҳуриятдаги махсус икки касалхонада улар учун 50 та жой ажратилган.

Байналмилал-жангчиларнинг ишсизлиги масаласига келсак, бу тўғрида автоном жумҳурият Вазирлар Кенгаши жумҳурият ҳарбий комиссариати, шунингдек, ноҳия, шаҳар партия ва ижроия қўмиталари вакиллари билан маслаҳатлашиб олинди, уларга ҳар бир ишсиз байналмилал-жангчини ишга жойлаштириш вазифаси юклатилди».

«Мени кечир, болажон!»

Афғонистон... бир олам дард. Бағри куйган оналар, қадди букилган оталар. Баъзи бюрократларнинг қон-қонига сингиб кетган бепарволик, совуққонлик, масъулиятни ҳис этмаслик иллати уларнинг озор чеккан кўнгилларини изтироб зардобига тўлдириб, дардларига дард қўшмоқда. Мақолада ана шу масала қаламга олинган бўлиб, унда Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ноҳиясида яшовчи Рўзбоновлар оиласига маънавий, моддий ёрдам кўрсатишга эътибор берилмаётганлиги танқид қилинганди. Мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳарбий комиссариати сиёсий бўлими бошлиғи В. Городцов редакцияга қуйидаги мазмунда жавоб йўллаган:

«Мақола вилоят ҳарбий комиссариатларининг ўқув-машғулотларида муҳокама қилиниб, жиддий ўрганилди, унда қаламга олинган хатоларнинг такрор этилмаслиги учун чора-тадбирлар белгиланди.

1987 йилда Рўзбоновлар оиласига «Қизил юлдуз» ордени топширилганди, мақолада таъкидланганидек, тантанали равишда эмас, албатта. Ўша пайтдаги вазият шуни тақозо этарди.

Ортиқ Рўзбонов қабри устига ёдгорлик ўрнатилган. Маҳаллий касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда унинг оиласига керакли ёрдам кўрсатилди».

РЕДАКЦИЯДАН: нега мақола босилмагдан олдин оиланинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, ҳеч бўлмаганда икки оғиз ширин сўз билан ота-онанинг кўнглини кўтариш мумкин бўлмади, экан!! Одамларнинг дардларига малҳам бўлишни, қайғуга ботганларида кўнгилларини кўтара олишни билсак бас, ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди.

Излайман

ҚИЗИМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ

Мен бир бағри куйган онаизорман. Фарзандим Умидани 1987 йил 13 январда йўқотиб қўйиб, ўз ёғимга ўзим қоврилиб юрибман. Нима қилиш керак? Қаерга бормоқ керак? Билмай қолдим. Бизлар шу уч йил ичида бормаган жойимиз, кирмаган эшигимиз қолмади. Сўнгги умидим Сиз ота-оналардан, ака-укалардан, опа-сингиллардан. Қизим Умидани кўрган, билганлар борми? Менга ёрдам қилишингизни ўтиниб сўрайман.

УМИДАНИНГ БЕЛГИЛАРИ: пастки лабининг ўртасида майда тўғри кесик ўрни бор. Унг кўзининг юқорисида майда қора холи, чап кўзининг ва қошининг охирида сувчечакдан қолган майда чуқурча, бошининг орқа томонида 2 сантиметрлар келар-келмас тиртиқ ўрни бор. 1982 йил 25 майда туғилган.

Ким кўрган бўлса ёки қаерда эканлигини билсалар бизга хабарини етказсаларингиз.

Маконимиз: Қарши шаҳри 6-микрорайон, 1/5 уй, 29-квартира.

Телефонимиз: 4-48-70.

Шунингдек, яқин атрофдаги ички ишлар бўлимларига 02 орқали хабар қилишингиз ҳам мумкин.

Сизлардан нажот ва катта умид билан.

Гулнора ИСЛОМОВА.



Чақалоқ нега йиғлаяпти? Бола дегани йиғлайди-да, дейсизми? Тўғри. Лекин йиғи ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, хоразмлик гўдакларнинг аксари турли хил хасталиклар билан оғрийдилар. Бундайлар вилоятда 60 фоиздан кўпроқ. Улар ичимлик суви тобора ифлосланиб кетаётганидан, касалхоналарда улар учун икки ярим минг ўрин етишмаслигидан, вилоятда ҳамон болалар юқумли касалликлар шифохонаси қурилмаганлигидан, уларга ваъда қилинган кўп инъомлар ҳамон қоғозлардангина иборатлигидан, аҳвол эса тобора мураккаблашиб бораётганлигини КАТТАлар негадир тушуна олмаётганликларидан йиғлайдилар.

СУРАТДА: вилоят болалар касалхонасининг педиатрия бўлими. Бу ерда ўринларнинг етишмаслиги туфайли беморлар тор йўлакларга жойлаштирилади.

Қ. ОТАЕВ сурати.

Бир хат изидан

Одамгарчилик қилишганмиш...

Кейинги вақтларда Абулқосимнинг чиройи очилмай қолди. Юрса ҳам, турса ҳам ўй сургани-сурган. Ёру-биродарлари, қариндош-уруғлари у ёқда турсин, ҳатто бола-чақаси билан ҳам бундоқ очилиб-сочилиб гаплашмайди. Тажанг бўлгани-бўлган. Хотини шўрлик нима гаплигини билиш учун унинг қўйнига қўл солай деса узоқ-узоқларга тикилганча чуқур уф тортади-ю:

— Қўй хотин, сен сўрама мен айтмай, — дейди яккаш. Сўнг қўшиб қўяди:

— Сенга айтганим билан дардим енгиллашармиди. Барибир ҳақиқат йўқ.

Хотини ҳайрон, қариндош-уруғлари, ёру-биродарлари ҳам.

Охири у яқин дардкаш дўстларидан бирига ёрилди:

— Мен ишдан бўшадим. Тўғрироғи, бўшатишди. Ҳақиқатни гапирганим учун. Ҳамкасбларимни, ўзимни ҳимоя қилганим учун.

Дўсти унга далда берадиган, кўнгил ярасига малҳам бўладиган бирор бир дурустроқ тайинли гап айтолмади. У-бу деб сал кўнглини кўтарган бўлди-ю, кичик маслаҳат берди:

— Яхшиси редакцияга ёз.

Абулқосим дўстининг айтганини қилди.

«...Мен Акбаров Абулқосим 1979 йилда Тошкентдаги ўйинчоқлар фабрикасига юк ташувчи бўлиб ишга кирдим. Яхши ишлаганим учун бригадир бўлиб сайландим. 1984 йилдан бошлаб мени материаллар бўлимига омбор мудири қилиб тайинлашди.

Иш давомида фабрика раҳбарияти томонидан бир неча маротаба ташаккурномалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландим. 1989 йилнинг декабрь ойида фабрика раҳбари Холопова сабабсиз мени ишдан бўшатиш учун очиқ мажлис ўтказди. Бу мажлисда ишчилар мени ҳимоя қилиб, ишда қолишимни қатъи талаб қилдилар. Лекин ишчиларнинг талаблари қондирилмай, эртасига мени мажбур қилиб, ўз хоҳишим билан бўшайман, деб ариза ёздирди. Қарамоғимда икки фарзандим ва аёлим бор бўлиб, уч ойдан бери ишсиз ўтирибман.

Ҳурматли редакция! Икки фарзандим ҳурмати, ўз иш жойимга қайтадан тиклашимда ёрдам берсангиз».

Редакция ходимига кимнингдир ишдан ҳайдаш, ёки яна аллакимнидир олиш ёки тиклаш ҳуқуқи берилган эмас. Биз бундай қилмоқчи ҳам эмасмиз. Лекин ҳақиқий аҳволни ўрганиш, ким ҳақу, ким ноҳақлигини билиш, ҳақиқатга аниқлик киритиш учун Тошкент ўйинчоқлар фабрикасига — ҳозирда эса «Развитие» Бутуниттифоқ акционерлар жамиятига қарашли «Семург» фирмасига йўл олдим.

Фирма азим Тошкент шаҳрининг ғарбий қисмида — Чуқурсой даҳасида жойлашган. Унинг иш бошлаганига қарийб 30 йилга яқин вақт ўтди. Агар у дастлабки кезлари жажжи болакайлар учун йилига 1 миллион сўмлик турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили 200 турдаги қиймати 16 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Ростини айтиш керак. Шу йиллар давомида корхонада кўплаб-кўп турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Иқтисодий жиҳатдан бир неча баробар ўсишга эришилди. Лекин ишчилар иш шароити ҳамон мақтанарли аҳволда эмас. Цехлар уч сменада ишлаяпти.

Бундан уч йил илгари корхона раҳбарияти ўзгарди. Директорликка шу ерда қарийб 24 йилдан бери ишлаётган бош инженер Холопова Светлана Борисовна сайланди. Корхонадаги мутахассис раҳбарларнинг гапига қараганда у ҳаракатчан, ишнинг кўзини биладиган, фирма манфаатини ҳимоя қиладиганлар тоифасидан.

Светлана Борисовна билан илк суҳбатдаёқ бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Акбаровнинг шикоят хати мазмуни билан уни таништирдим.

— Абулқосим шикоят қилди, денг? — Светлана Борисовна истеҳзоли кулди-ю, бир дақиқа жим қолди. Сўнг фикрларини жамлаб, давом этди:

— Бор эди шунақа омбор мудири. Лекин ўз аризаси билан ишдан бўшаб кетди. Ўта қўпол, қизиққон йигит. Кўпчиликнинг кўнглини оғритган, топшириқларни ҳам муттасил бажармасди. Унинг ишга қайтиб келиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Агар у келса, мен кетаман.

Катта бир корхонанинг катта бир раҳбари ўзининг собик ходимига аччиқ қилишидан ўнғайсизландим. Бошлиққа ярашмайди-да, бу.

Мен директорга ким ҳақу, ким ноҳақлигини аниқлаганим, ҳақиқатни ойдинлаштирганим келганимни, агар айб ҳар иккала тарафда — корхона маъмуриятидан ҳам, Акбаровдан ҳам ўтган бўлса, шуни очиқ-ойдин ёзишимни айтдим.

— Бўпти, ёзаверинг, ёзаверинг, — қўлини елпигандай қилиб розилик билдирди директор. Ва яна бир бор қатъи уқтириб, деди:

— Билиб қўйинг, фақат ҳақиқатни ёзинг. Қолаверса, Акбаровни мен эмас, касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишининг қарорига биноан бўшатишган.

Акбаров «иши» юзасидан кўпчилик билан учрашиб, суҳбатлашдим. Касаба уюшмаси қўмитасининг 30 ноябрдаги кенгайтирилган кенгаши ҳужжати билан танишиб чиқдим. Уюшманинг ўша куни йиғилишида бир масала — меҳнат вазифасини мунтазам равишда бажармаганлиги учун маъмуриятнинг ишчи Акбаровни бўшатиш тўғрисидаги таклифи кўрилган. Иштирокчиларнинг ўзлари эътироф этишича, кун тартибида турган бу масала асосида Акбаровни бўшатиш тўғрисида маъмуриятнинг сўраб ёзган хати муҳокама этилган. Шуниси ажабланарлики, бу хатни директор Холопованинг якка ўзи ёзган ва танҳо ўзи имзо чеккан. Шунингдек, хат қайси муддатда ёзилгани қайд этилмаган. Йиғилишда маъмуриятдан, меҳнат жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси аъзоларидан 19 киши иштирок этган. Унда қуйидаги ўртоқлар сўзга чиқишди:

1. **Директор Холопова С.**
2. **Бош инженер Иноғомов Б.**
3. **Бош энергетик Алимов Т.**
4. **Таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари Самиғов М.**
5. **Касаба уюшмаси раиси Овчинникова С.**
6. **Электрик Зоиджонов А.**
7. **Токарь Гельфенбейн Б.**
8. **Ишчи Пенькова Т.**
9. **Юрист-консультант Великова Л.**
10. **Бригада бошлиғи Э. Алиев.**
11. **Ишчи Ермакова М.**

Ўша кунги йиғилишда фақат Татьяна Пенькова билан Эгамберди Алиевларгина Абулқосимнинг ёнини олгандек бўлиб гапиришди. Меҳнат жамоа уюшмасининг аъзолари — корхона фирқа бюросининг котиби А. Сарибоев, юрист-консультант Л. Великовалар эса ўзларининг қатъи фикрларини айтмадилар. Маъмуриятнинг катта раҳбарлари эса Акбаровнинг ишдан кетишини қатъи талаб этдилар.

Шундай қилиб, касаба уюшмасининг шу йиғилишида Абулқосим Акбаров Ўзбекистон меҳнат қонунлари кодексининг 41-бўлим, 3-банди бўйича ишдан бўшатилди. Бу таклифни ёқлаб ўн овоз берилди. Бетараф эса бир киши.

Шуниси ажабланарлики, касаба уюшмасининг ана шу йиғилишида комитетнинг 15 аъзосидан бор-йўғи беш нафари қатнашди, холос.

Фирма касаба уюшмаси раиси Светлана Михайловна ва фирма бюроси котиби Абдуманноп Сарибоев билан бирга ҳалиги йиғилиш тафсилоти баён этилган ҳужжатларни кўздан кечирар эканман, [illegible] Салом-аликни унутиб, ўзини таништирмай ҳам менга буйруқ оҳангида деди:

— Сиз бу ишга аралашманг, барибир фойдаси йўқ.

Бу муомалани эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим.

— Кечирасиз, ўзингиз ким бўласиз?

— Корхона бош инженери Иноғомов Бахтиёр Зокирович, — унинг ўрнига жавоб қайтарди фирма бюроси котиби.

Бош инженернинг хонада ўзини виқорли тутишидан, теварак-атрофдагиларга беписанд қарашидан унинг бу ерда яккаҳокимлиги шундоқ сезилиб турарди.

Мен унга ҳар ким ўз вазифаси билан шуғулланишини, редакцияга келган ҳар бир шикоят хатини ўрганиш ва текшириш лозимлигини тушунтирдим. Шунда ҳам у «от»дан тушмай, ҳокимона оҳангда сўзида давом этди:

— Барибир фойдаси йўқ. Ҳеч нарса ўзгармайди.

Мен улардан — Б. Иноғомов, А. Сарибоев ва С. Овчинниковадан Абулқосим ҳақидаги фикрларини сўрайман:

Бош инженер: топшириқни муттасил бажармайди, қўпол, кўп одамларнинг дилини оғритган. Раҳбарларнинг гапига кирмайди. Гап қайтаргани-қайтарган.

Фирқа бюроси котиби: рости, унда муомала маданияти етишмайди. Корхонамизда 22 миллат вакиллари ишлашади. Ҳеч бири ундай эмас. Фақат Абулқосимгина раҳбарларга гап қайтаргани-қайтарган, тортишгани-тортишган.

Фирқа бюроси котиби бир зум ўйланиб туради-да, сўнг жавоб қайтаради:

— Йўқ, унақаси бўлмаган. Бир-биримизга ҳеч рўпара келмаганмиз.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси: Абулқосим билан бир неча йилдан буён шу ерда ишлаймиз. Ишчи сифатида яхши. Ишни расамади билан олиб боради. Лекин қўпол. Тортишишни яхши кўради. Бир неча марта унинг ўзига айтдик, лекин натижа чиқмади. Бўшатишга мажбур бўлдик.

Корхонада ким, қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар раҳбар [illegible] Абулқосимни айблайдилар. Баъзилар топшириқни муттасил бажармасди [illegible]

Хўш, у билан бирга ёнма-ён меҳнат қилган оддий ишчиларнинг фикри қандай?

Солиҳ МУРОДОВ — юк ташувчилар бригадаси бошлиғи:

— «Қарға-қағанинг кўзини чўқимайди», дейишади ака. Қайси раҳбар ўзидан катта раҳбарини ёмон дейди. Қилган ишини [illegible] Лекин мен ростини айтаман. Абулқосим зўр йигит эди. Ҳақиқат учун курашарди. Раҳбарлардан ҳам шуни талаб қиларди. Тўғри, иш юзасидан ўзимиз ҳам анча тортишиб турардик. Лекин булар ҳаммаси фирма манфаати учун эди. Олти йил ишлаб, ундан ҳеч қандай ёмонлик кўрганим йўқ.

Акмал ТЎЛАГАНОВ — омборхона ишчиси:

— Топшириқни бажармаган, деб Акбаровни айблашяптими? Бўлмаган гап. Ҳеч қачон ундай бўлмаган. Бу шунчаки уни бўшатиш учун бир баҳона. Ўн йилдан буён у билан бирга ишлайман. Ҳар доим топшириқни «аъло» даражада бажарган.

Мирсултон БЕКМУРОДОВ — омборхона ишчиси:

— «Катталар» билан ўйнашиб бўларканми? Ҳайдайман деса, ҳар қанақа сабаб топади. Ўн тўрт йилдан буён шу ерда ишлайман. Биласизми, ҳатто бир марта катталаримиз Абулқосимга «Мирсултонни урди» деб туҳмат ҳам қилишди. Бечора, қани энди мени бирор маротаба чертган бўлса. Ҳатто қаттиқроқ ҳам гапирмаган.

Ана шунақа гаплар.

Тўғри, Абулқосимнинг қўполлиги, топшириқларни ўз вақтида бажармаслиги раҳбарлар уқтиришганидек, унинг ўзига қайта-қайта айтилган. Ҳатто икки-уч бор муҳокама этилиб, маъмурий жазолар ҳам берилган. Лекин у булардан тегишли «хулоса» чиқариб олмади, ўз билганича иш тутди. Барибир «катталар» билан талашиб-тортишди. Бу, албатта, раҳбариятга ёқмади, уларнинг сабр косасини ошириб-тоширди.

Ўтган йилнинг 16 ноябрь куни эди. Иш вақти охирлаб қолган. Шу пайт Шумилов станциясидан телефон қилишиб, фирмага бир цистерна суюқ маҳсулот келганини, уни зудлик билан бўшатиб олиш лозимлигини айтишди. Смена бошлиғи Леонид Михайлович Хейфец бу ҳақда омбор мудири Абулқосим Акбаровга хабар қилади. Лекин иш вақти тугаган, юк туширувчилар эса уй-уйларига жўнаб кетишганди. Абулқосим мушкул аҳволда қолди. Вазиятни раҳбарларга тушунтирди. Лекин улар унинг гапини эшитишни исташмади.

Шу охирги сабаб бўлди-ю, орадан ўн тўрт кун ўтгач, 30 ноябрь куни касаба уюшмаси қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Акбаров Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 41-бўлим, 3-банди билан — яъни меҳнат интизомини мунтазам бузганлиги учун ишдан озод этилди.

— Нима учун уша Абулқосимни ўз ихтиёри билан ишдан бўшади деб, буйруқ чиқардингиз? — деб сўрайман фирма кадрлар бўлими бошлиғи Альфия Васфиевадан.

— Ҳар қанча ёмон бўлмасин, раҳбарларимиз Акбаровга нисбатан яхшилик қилишди. Меҳнат дафтарчасини «қора» қилгилари келмади. Ростини айтганда, ҳақиқий одамгарчилик қилишди, — дейди унинг ўрнига фирма юрист-консультанти Лилия Сергеевна Великова.

Одамгарчилик қилишди... Бенихтиёр Лилия Сергеевнанинг сўзларини эслайман. Шу ҳам одамгарчиликми? Билмадим, кимга қандай-ку, лекин менимча асло ундай эмас...

Ўтган йили корхонадан 153 киши ишдан бўшаб кетди. Улардан 24 таси «ўз ихтиёри билан» кетган. Балки буларнинг орасида ҳам Абулқосимга ўхшаганлар бордир. Ким билади дейсиз, буниси сизу бизга қоронғу.

Фирмадан қайтар эканман, катта дарвоза олдида ўзаро гаплашиб турган икки ёш ишчининг суҳбати қулоғимга чалинди. Улар катталардан нолишарди. [illegible] Ишчининг гапида жон бор. Ростдан ҳам лавозими «катта»ни нимани айтса, кичиги шуни қилади. Чизган чизиғидан чиқмайди.

Нега шундай?

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ.
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.



Ток — парваришталаб ўсимлик. Уни ўз вақтида парваришлаб турмаса, мўл ҳосил олиш қийин. Булунғур ноҳиясидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги биринчи бўлимининг биринчи бригадасига қарашли оилавий звено аъзолари бу борада катта тажрибага эга. Звенога комсомол аъзоси Салтанат Ғозиева бошчилик қилмоқда. Улар айни кунларда ижарага олинган икки гектар ердаги ток новдаларининг парваришлаш ишларини тугатиб, суғоришни бошлаб юбордилар.

Пастдаги суратда эса шу ноҳиянинг Ленин номли давлат хўжалиги далаларида кўчат ўтказиш пайти акс эттирилган. Хўжаликда, айниқса, йўл четларига — бўш ерларга кўчат экишга эътибор катта. Биргина бўлимнинг 13-бригадаси аъзолари 1200 тупдан кўпроқ беҳи, гилос, қорали кўчатларини ўтқаздилар.

Хуллас, ноҳиянинг ҳар бир хўжалигида баҳорги ишлар кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Сураткаш Т. ДАВЛАТОВ.



МУРУВВАТ

Шу кунларда жумҳуриятимиз барча вилоят ва ноҳияларида хайрия бозорлари, концертлари ва кечалари ўтказиляпти. Тошкент Давлат дорилфунуни ижтимоий фанлар факультетлари талабалари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмасликка аҳд қилдилар. Яқинда улар тарих факультети биносида хайрия савдо бозорини ўтказдилар. Талабаларнинг ўзлари тайёрлаб келтирган болалар кўйлаклари, қалпоқлар, пайпоқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хил чиройли ва хуштаъм нонларнинг бир пасда харидори топила қолди. Худди шу ернинг ўзида тарих факультети бадиий ҳаваскорлик ансамбли иштирокчилари концерт қўйиб бердилар. Савдодан тушган 556 сўм 24 тийин жумҳурият «Меҳр-шафқат» жамғармасига ўтказилди.

Хайрия бозорида ҳозир бўлган Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси раиси Ў. Воҳидова ва Тошкент шаҳар Киров ноҳияси «Меҳр-шафқат» жамияти раиси С. Тожиев кўрсатилган мурувват учун факультет раҳбарлари ва талабаларига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар.

Шерали ШОМУРОДОВ,
ТошДУ тарих факультети толиби.

«Ювентус»да нима гап?

Бизнингча, муштарийларга Италиянинг энг кўзга кўринган клубларидан бири бўлмиш «Ювентус» ҳақида батафсил маълумот бериб ўтириш ортиқча.

Айтишларича, «Ювентус»да қайта қуриш бошланибди. Туб ўзгаришлар бўлиши кутиляпти. Аввало, адвокат Аньеллининг айтишича клубга кўп йиллардан бери президентлик қилиб келаётган Д. Бониперти истеъфога чиқади. Шунингдек турли хил сабаблар туфайли бош тренер Дино Зофф ҳам яқин орада клуб билан хайрлашади.

Бундай «ўзгариш»лар матбуот орқали аллақачон, яъни январдаёқ маълум бўлган экан. Хуллас, энди «кутилмаган» янгиликлар рўй бериши табиий. Энди кўпчилик мухлисларни қизиқтираётган саволлар ҳам бор-да. «Бизнинг Заваров билан Алейниковларнинг аҳволи қандай бўлади!» Маълум бўлишича, клубга келаётган янги раҳбарларга «чет элликлар» унчалик ҳам маъқул эмас. Шу боис бўлса керак, ҳозирдаёқ икки ўйинчимизнинг ҳам тақдири маълум бўлиб қолганга ўхшайди. Заваровга «Болония», Алейниковга эса «Фиорентина» командаларига ўтиб ўйнаш таклиф қилинаётган экан. Агар улар мабодо бу таклифни рад этишса, аввал тузилган контрактда қайд этилганлигича ўз уйларига қайтишлари мумкин.

«Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамада

Аниқлик киритиш зарур

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари ходимлари елкасига ҳам офтоб тегадиган бўлди. Бу умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг «Умумий қоидалар» деб аталадиган биринчи моддасида яққол сезилади. Биз учун, энг муҳими, матбуот эркинлигидир. Мазкур модданинг охирги сўзбошисида шундай дейилади: «Матбуот ва бошқа хил оммавий ахборот воситалари эркиндирлар. Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди» Бу журналистларимиз (айниқса жумҳуриятимиз журналистларининг) кутган азалий орзуларидан бири эди. Ушбу моддани, ҳақиқатан ҳам, матбуот эркинлигига кафолот деса бўлади. Айтиш керакки, бу ҳақли равишда ленинча принципга қайтиш демакдир.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Қонун лойиҳасида таҳрирбоп ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қонун лойиҳасидан жой олган 17-модданинг 1-сўзбошида шундай жумла бор: «Редакцияга таъсисчи томонидан тайинланадиган ёки редакция уставида белгиланган тартибда сайлаб қўйиладиган муҳаррир (бош муҳаррир) раҳбарлик қилади». Мазкур жумла қуйидаги тарзда берилса мақсадга мувофиқ бўларди: **«Редакцияга муҳаррир (бош муҳаррир)ни таъсисчи томонидан тайинланиши ёки редакция уставида белгиланган тартибда сайлаб қўйилиши шарт эмас. Уни редакция жамоати (очиқ ёки яширин) овоз бериш йўли билан сайлайди».** Ушбу модданинг охирги сўзбошида эса бошқача манзарага дуч келасиз: «Муҳаррир (бош муҳаррир) билан таҳрир ҳайъати кўпчилик аъзолари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда низо таъсис этувчи томонидан ҳал қилинади», дейилган, Бу жумла қуйидаги таҳрирда берилгани маъқул деб ўйлайман: **«Муҳаррир (бош муҳаррир) билан таҳрир ҳайъати кўпчилик аъзоси ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда низолар жамоанинг умумий мажлисида кўриб чиқилади, таъсис этувчининг бунга аралашиши шарт эмас. Низолар бартараф этилмасагина аралашиши мумкин».**

Шунингдек, Қонун лойиҳасининг 42-моддасига бир гуруҳ СССР халқ депутатлари томонидан таклиф қилинган талқинга қўшилиш қийин. Сабаби, уларнинг таклифлари ушбу Қонун лойиҳасининг 1-моддасига зид келади. Чунки улар: «Бу қоида ушбу Қонун билан белгиланган таъсисчи, ношир ва оммавий ахборот воситаси редакцияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибига тааллуқли эмас», дея талқин қилидилар. Ажабо, нега тааллуқли эмас экан? Бунга ҳам муайян аниқлик киритиш зарур.

Қонун лойиҳасининг 43-моддасига ҳам мутлақо қаршиман. Чунки унда айтилишича, маънавий зарарни қоплаш учун ҳар бири алоҳида ҳолда 50 минг сўмгача (!) жарима белгиланган. Тўғриси, тушунмадим. Бу модда кимнинг таклифи билан муҳокамага қўйилди, у кимнинг манфаатига хизмат қилади! Ёки 50 минг сўмга эга бўлган (хорижий журналистларга ўхшаб) журналистлар шу қадар кўпайиб кетдимикан! Мен умуман, 43-модданинг олиб ташланиши тарафдориман. Чунки бу ҳақда 5-моддада журналистларни огоҳлантирувчи модда ҳам бор-ку! Ҳеч бўлмаса, 50 минг эмас, 50 сўм бўлса, шунинг ўзи ҳам етарли, деб ўйлайман.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Қонун лойиҳасидан ўрин олмаган талай муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган бўлғуси журналистлар ёки жамоатчи ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳуқуқлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Ваҳоланки, уларнинг матбуотга ва бошқа оммавий ахборот воситаларига берадиган хизматлари беқиёсдир. Чунки улар жойлардаги аҳволни яхши биладилар. Бундан ташқари журналистларнинг масъулиятлари ҳақида жуда кўп гапирилади-ю, имтиёзлар тўғрисида эса лом-мим дейилмайди. Ахир, журналистларнинг аксарият вақтлари жуда тиғиз бўлади-ку! Улар шошилинч сафар (командировка)ларга ёки иш юзасидан бошқа вилоятларга, шаҳар ва ноҳияларга борадилар. Ана шундай ҳолларда улар маълум даражада темир йўл, автобус ва ҳаво транспортларидан фойдаланишлари учун қулай имтиёзларга эга бўлишлари керак, деб ўйлайман.

Яна бир таклифим шуки, журналист ўзи истаган соҳани мустақил равишда (ариза ёки шикоят юзасидан бўлмаса ҳам) ўрганишга ҳақли бўлсин. Чунки ўз соясидан қўрқиб, ножўя ишлар билан шуғулланаётган айрим бюрократ раҳбарлар орасида текширишга қандай асосингиз бор, деб маълумот беришдан бош тортадиганлари ҳам учрайди. Бундай иллатларнинг пайини қирқиш учун журналистларнинг ҳақ-ҳуқуқи тўла тикланган бўлиши керак. Айниқса, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги ижобий силжишлар жамиятни демократиялаш, янгича фикрлаш жараёни ҳам шуни тақозо этади. Бу журналистлардан чуқур савия, юксак масъулият ва матонат, мустаҳкам ирода, энг муҳими, ҳалоллик талаб қилади.

Азамат АВЛОҚУЛОВ,
ТошДУ журналистика факультети ўқув-матбаа тажрибахонаси мудири.

ТВ

18 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Йигитча». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Ҳунармандлар». Телефильм. 12.30 «Сиёвуш ҳақида қисса». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Потя ва Потиха». Мультфильм. 18.00 Болалар учун. «Юлдузча» кўрсатуви. 18.30 «Оилавий боғча». Самарқанд вилояти маорифчиларининг иш тажрибасидан. 18.45 «Сув — ҳаёт манбаи». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Дўстлик учрашувлари». Ўзбекистон маданият вакилларининг Англияга қилган сафари ҳақида. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради...». 21.15 «Созимиз — овозимиз». Замира Суюнова ва Роза Хўжаева. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Бўстон» телевизион журнали. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Огарев кўчаси, 6-уй». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «03» жавоб беради». Шаҳар тез ёрдам хизматининг иш фаолиятидан (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Мутриб». Амирбек Мусоев. 21.35 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳар ки на куном зист». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Олтин лангар»лик бармен». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Салом, Тулки хола». Мультфильм. 8.10 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 9.35 Футбол. СССР кубоги. Ярим финал. «Динамо» (Киев) — МАСК. 2-тайм. 10.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Рачинск қўшиқлари» (Грузия ССР). 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Зимбабве халқ санъати: ҳайкалтарошлик ва мусиқа». Телеочерк. 15.35 «ТелеЭКО» журнали. 16.05 «Салом, баҳор!». Фильм-концерт (Киев). 16.30 Меҳр-шафқат ҳафталиги. «Шура холани эҳтиёт қилинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Волгоград). 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Б. Чайковский. Торли оркестр учун симфониетта. 18.55 Объектив. 19.30 Жаҳон Ер кунига. «Сибирнинг мовий кўзи». Илмий-оммабоп фильм премьераси. «Байкал кўлининг тақдири ҳақида. 2-фильм. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Орол». Телевизион бадиий фильм премьераси («Мосфильм»). 1-серия. Премьера. 22.10 М. И. Глинка номли Ленинград давлат академик капелласи куйлайди. 22.30 «Туғилган куни — Москвада». Итальян кинодраматурги Тонино Гуэрра билан учрашув. «Кинопанорама»га илова. 23.30 **ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.** 23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси.

8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 2-фильм. 8.35, 9.35 Мусиқа. 2-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 2-кўрсатув. 9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Адабиёт. 7-синф. 11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 2-кўрсатув.

12.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Чехословакия терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан кўрсатилади. 13.25 «Бегим Донбаев имконияти». Экологик соф маҳсулот етиштириш имкониятини исботлаб берган асил деҳқон ҳақида ҳужжатли фильм. 13.55 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтмишни қайтаринг». 2-серия.

* * *

16.30 «Қалб қўшиқлари, майин, ҳамдард қўшиқлар». Ашхободдан кўрсатилади. 17.10 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Маршал Жуков. Шафқатсизлик йиллари» (Свердловск). 1-қисм. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 **СССР Олий Совети сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар!

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 04212. Д. — 23146.